

Xabar

2

(1060)-son

11-yanvar

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2013

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEKNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

14 январ — Ватан ҳимоячилари куни



Ватан ҳимояси — муқаддас бурч



3-бет

Алоқа оламида

USB 3.0 ТЕЗЛИГИ — 10 ГБ-С

USB 3.0 Promoter Group хабар тарқатишича, 2013 йил ўрталарига бориб, янги технологиялар эвазига USB 3.0 интерфейсида маълумот узатиш тезлиги 10 Гб/с.гача етказилиши кутиляпти. Шу тарзда USB 3.0 тезлик бобида Intel Thunderbolt технологияси билан тенглашиб олади.

Янги босқичга кодлашнинг ўзгача технологиясини қўллаш орқали эришилади. У қандай ном олади - ҳозирча номаълум, бунга 2013 йилнинг феврал ойида ўтказиладиган Intel анжуманида аниқлик киритилади.



ТАТУда 2011-2012 ўқув йилида 42та компьютер синфлари ва 31та мултимедия синфлари жиҳозланди. Филиаллар бўйича компьютер синфлари сони — 43, мултимедия синфлари сони — 12тани ташкил этади.

Ушбу сонда:

ЭМММ

давлат унитар
корхонаси ташкил
этилганига
25 йил тўлди

2-бет

ОБОДЛИК

Кўнгилдан
бошланади

5-бет

ТАМОЖНЯ

запустила систему
электронного
декларирования
товаров

6-бет

CES 2013

кўрғазмаси
иш бошлади

11-бет

ONLINE TV

телекўрсатувларнинг
интернет орқали
онлайн намоиши

13-бет

САЙТдаги

сиртмоқ...

14-бет

ISSN 2010-6424



Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов тақдиримасига биноан, Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарор ижросини таъминлашга бағишланган тадбирлар жойларда изчиллик билан ўтказилмоқда. Шундай тадбирлар Республика Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасига қарашли аёллар жазони ижро этиш муассасаси, Республика касалхонаси ҳамда Зағиота тарбия колониясида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш масалаларига бағишлаб давра суҳбати ўтказилди. Унда иштирок этган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларига амалдаги қонунларнинг моҳияти, соҳа ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Пойтахтда кимёвий моддаларни бошқариш борасида амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан БМТнинг ўқув ва илмий-тадқиқот институти (ЮНИТАР) билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда кимёвий моддаларни бошқариш ва экологик хавфсизликни таъминлашга оид вазифалар, бу борадаги ишларни ташкил этишнинг самарали механизмларини жорий қилиш масалалари муҳокама этилди.

Фарғона вилоятининг Олтиарик туманида фермерлар фаолиятини янада ривожлантириш масалаларига бағишланган учрашувлар бўлиб ўтди. Тадбирда давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 22 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони асосида вилоятда фермерлик фаолиятини ривожлантириш, ер, сув ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, рентабеллик ўсишини таъминлаш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасидаги чора-тадбирлар ҳусусида сўз юритилди.

Бухоро вилоят ҳокимлиги, "Қамолот" ЁИХ вилоят кенгаши ҳамда бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида "Биз Ватанинг мустаҳкам ҳимоячисимиз!" мавзуда ёшлар фестивали бўлиб ўтди. Ҳарбийларнинг фарзандлари учун ташкил этилган тадбирда шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига сайр уюштирилди, вилоят муסיқали драма театрида ҳарбийлар ҳаётига оид сахна асарини намойиш қилинди.

Наманган вилоятида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан ҳарбийлар, танкидлар шoir ва ёзувчилар, санъаткорлар ҳамда ёшлар иштирокида "Ватан ҳимояси — муқаддас бурч" мавзуда маънавий-маданий тадбир ўтказилди.

Хитойлик танкид журналисти Вей Син "Дуифан Цзаобо" ва "Метро экспресс" газеталари саҳифаларида "Шарқ жаҳоҳири" номини олган Самарқанд тўғрисидаги туркум мақолаларини эълон қилди. Уларда муаллиф "Метанфо-тур" лойиҳаси доирасида Самарқанд бўйлаб амалга оширган иккунчи сафари чоғида орттирган таассуротларини газетхонлар билан ўртоқлашган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири — Фуқаро муҳофазаси бошлигининг 2012 йил 14 сентябрдаги "Навоий вилоятида фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимининг ҳудудий қўйи тизими бошқарув органлари, куч ва воситалари билан қўмондонлик-штаб ўқув машқига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида"ги буйруғи ижросини таъминлаш борасида вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

FUQARO MUHOFAZASI

Почта тармоқларида ўқув машқлари

"Навоий вилояти бошқарув органлари, фавқулодда вазиятлар давлат тизими ҳудудий қўйи тизимларининг аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлари" мавзуда ўтказилган қўмондонлик-штаб ўқув машқлари ўзига хос тажриба мактаби бўлди.

— Мазкур тадбир алоқа ва марказлаштирилган хабар бериш тизимининг ишончли, барқарор ишлашини амалда текшириш, вилоят фавқулодда вазиятлар давлат тизими бошқарув органлари, куч ва воситаларининг фавқулодда вазият-

лар содир бўлганда ўз функционал вазифаларини бажариш даражасини аниқлаш, қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни олиб боришда моддий-техник таъминот масалаларини ҳам четлаб ўтмади, — дейди "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Навоий филиали фуқаро муҳофазаси ва сафарбарлик бўлимаси бошлиғи Ғайбулла Раҳматов. — Вилоятдаги барча қорхона ва ташкилотлар қаторида филиалимиз ҳам қўмондонлик-штаб ўқув машқларида фаол иштирок этди. Жумладан, эвакуация қилинганда почта алоқаси хизмати кўрсатиш

бўйича Кармана тумани почта алоқаси тармоғининг 4-Хончарвоқ алоқа бўлимининг ҳаракати амалда кўрилди. Хатирчи, Конимех, Томди туманлари почта алоқаси тармоқларида тактик ўқув машқлари ўтказилди ва почта жўнатмаларида номаълум кукунсимон модда аниқланганда почта раҳбари ва ходимларининг ҳаракати кузатилди.

Ўқув-тактик машқларида вилоят ҳокими — фуқаро муҳофазаси бошлиғи Э.Турдимов, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири, генерал-майор Т.Худойбергенов ҳамда вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи Я.Махаммадиевлар иштирок этишди.

Маруся ҲОСИЛОВА,
"Xabar"нинг Навоий
вилоятидаги мухбири

ЭМММ

давлат унитар қорхонаси ташкил этилганига 25 йил тўлди

Алоқа соҳасининг ривожини, унинг сифати ва ишончлилигини Ўзбекистон Республикаси давлат сибеситининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз аҳолиси ва қорхоналарининг мобил алоқа, симсиз кенг полосали интернет, рақамли телевиденидан сифатли ва кенг фойдаланишлари, фойдаланиш давомида уларнинг ишлаш сифати ва ишончлилиги таъминланиши бевосита "Электроманит мослашув маркази" ДУКнинг аниқ ва малакали фаолиятига боғлиқ.

Ўз фаолиятининг дастлабки кунларида, ЭМММ алоқа соҳасининг бошқа қорхоналари ва Радиочастоталар бўйича Давлат комиссияси билан биргаликда радиочастота спектрдан фойдаланиш соҳасида ҳуқуқий муҳитни ва фуқаролик мақсадларидаги радиоэлектрон воситалардан фойдаланишни бошқаришда замонавий техник базани яратиш бўйича изчил ишларни амалга ошириб келмоқда.



Ташаббус замирида...

Нўмон КАРИМОВ, меҳнат фахрийси, "Моҳир алоқачи" унвони соҳиби:

— Биз бутун оиламиз жам бўлиб, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган маърузасини зўр қониқтириш туйғуларини билан тингладик ва янги йилни Обод турмуш йили деб аташ ташаббусини қувонч билан қутиб олдик. Юртбошимизнинг бу ташаббуси оилаларни янада мустаҳкамлаш, уларнинг фаровонлигини оширишга қаратилган давлат раҳмўрлигидир. Бу ташаббуснинг замирида ҳар бир оиланинг реал даромадлари ошсин, бандлик масалалари ҳал этилсин, келгусида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривож топсин, деган халқ манфаатлари ётибди.

Фурсати келганда шунини ҳам таъкидлаш зарурки, мамлакатимиз раҳбарининг Фарғона вилояти халқ депутатлари кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қилган нутқини ҳам қизиқиб билан эшитдик. Фарғонамизнинг айна кунлардаги замонавий шаҳарсозлик анъаналарига монанд мутлақо ўзгарган жозибдор қиёфасини кўриб, кўз тегмасин, дейсиз... Ҳадемай кўнгалар кўзлар қувнайдиган яна қўплай иморатлар, санъат саройи, спорт мажмуалари, нақшинкор кўприклар барпо этилади. Эҳ-хе, Ўзбекистон гавҳари — Фарғонамизнинг янада гўзаллашувини

тасаввур қилиб, кўнглимиз осмонлар қадар қўтарилмоқда.

Президентимизнинг вилоятимизда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини ҳар томонлама таҳлил этиб, истиқболдаги вазифаларни аниқ белгилаб бергани, билдирилган фикрлардан тўғри хулоса чиқариб, ислохотлар самарасини янада юксалтириш, барча соҳа ва тармоқлар бўйича қабул қилинган дастурларни изчил амалга ошириш учун астойдил меҳнат қиласизлар, деб таъкидлаганини алоқа соҳамизда меҳнат қилаётганлар ҳам сира унутмасликларни керак.

Янги қабул қилинадиган "Обод турмуш йили Давлат дастури" алоқа қорхоналари жамоалари зиммасига ҳам катта вазифаларни юклайди. Давлат дастурини аъло даражада адо этиш, ўтган йилда қўлга киритилган ютуқларни кўпайтиришда алоқа соҳаси раҳбарлари ва ходимларига улкан муваффақиятлар тилайман. Азиз ва муҳтарам ёшлар, барчаларингизга янгича ғайрат-шижоат, бахт, омад ёр бўлсин!

Ҳафиза САЛЯХОВА
ёзиб олди

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч



Юрти, миллати, оиласи ҳимоясини ўзи учун муқаддас билган, қадамлари ҳар вақт музаффар бўлган, онти учун жон фидо қилган боболаримиздан мерос қадим мамлакатда яшаб, меҳнат қилмоқдамиз. Бу ерда ҳар ким ўз иши билан банд; деҳқон экинларидан, боғбон дарахтларидан мўл ҳосил етиштириш ҳаракатида бўлса, бошқа турли касб эгалари юрт ривожига муносиб ҳисса қўшиш учун фидойилик кўрсатишмоқда. Орзулари бир олам ёшларимиз эса ўз келажагини яратиш учун ўқиб-изланмоқдалар.

Юртимиздаги бу тинчлик-осойишталик тунларни бедорликда ўтказиб, постида собит тураётган аскар ва офицерларимиз туфайлидир.

Ана шундай Ватан ҳимоячилари сафида Ўзбекистон алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитасининг Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм) фидойи ҳарбий хизматчиларининг ҳам борлиги юракларга ғурур бағишлайди.

14 январ — Ватан ҳимоячилари кuni муносабати билан ана шу бошқарманинг жасур ва ҳамиша сергак ҳарбий алоқачилари ҳақида ҳикоя қиламиз.

Сирдарёнинг мард ўғлони

Сирдарёда эл иши учун фидойи, мард ва жасур ўғлонлар жуда кўп. Бошқарма Мобил алоқа воситалари алоҳида маркази бошчилигининг курул-аслаха бўйича ўринбосари Равшан Жўрабоев ҳам ана шуларнинг бири. Равшан ўзига тошширилган вазифа масъулиятини чуқур ҳис қилган ҳолда ҳар бир тошшириқни бехато бажаришга одатланган. Бунда унинг ТАТУнинг Махсус факултетида олган билимлари қўл келмоқда. Унинг олийгоҳни битириб, МАТБда иш бошлаганига икки йилдан ошди.

— Олийгоҳни битириб келгач, — дейди Равшан Жўрабоев. — Бошқарув пункти командирлигидан иш бошладим ва аста-секин хизмат шиллапояларидан кўтарилдим. Ҳарбийлик шарафли, шунинг билан бирга масъулиятли касб. Кимки шу касбни танлар экан, у юрт мудофааси учун умрини бағишлагга тайёр бўлмоғи лозим. Бу борада оиладан тинч бўли-



ши алоҳида аҳамият касб этади.

Равшаннинг рафиқаси Назмия турмуш ўртоғи зиммасидаги масъулиятни яхши тушунади. Шунинг учун ҳам уни онла юмушлари билан чалғишни истамайди. Назмия Сирдарё телевидениесида масъул ишни бажаради. Жажжи Розалия оиланинг қувончи.

Навбатчи қиз Нигора

Алоқа бўйича навбатчи Нигора Алимухамедова МАТБнинг ёш ҳарбий хизматчиларидан бири. Унинг бу ерга ишга келганига энди бир йил бўлди. Лекин шу кичка фурсат ичида у ўзига яраша ҳурмат-эътибор топди, қисмдаги ишончли ходимлардан бирига айланди. Бунга Нигорадаги касбига бўлган меҳр, қизиқиш ҳамда қатъиятливлиги сабаб бўлди.

Гуллар шаҳри Наманганда таваллуд топган, пойтахтимизнинг Юнусобод туманида ўсиб-улгайган Нигора тумандаги 96-мактабда аъло баҳолар билан ўқиди. Мактабни



битириб, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

қошидаги академик лицейда ўқишни давом эттирди. Сўнгра ишлашга қарор қилди: МАТБда алоқачи навбатчилик вазифасини қабул қилиб олди.

Чиройли қоматиға ҳарбий либос ярашиб турган Нигоранинг орзулари бир олам. У аввало алоқачилик касби орқали Ватан мудофаасидек масъулиятли ишга ўз ҳиссасини қўшмоқчи. Қолаверса, касби бўйича олий ўқув юртига ўқишга кириб, алоқачиликнинг сирасорларини пухта ўрганмоқчи.

Орзуларинг амалга ошаверсин, Нигора!

Байрамингиз муборак, азизлар!

Ватан! Нон каби, жон каби азиз гўша у. Ватанин ҳимоя қилиш эса юрагида ўти бор ҳар бир эркак учун муқаддас бурчдир.

Яна икки кундан сўнг юртимизда Ватан ҳимоячилари кuni кенг нишонланади. Мен юрт сарҳадларини зийраклик билан қўриқлаётган, йил сайин ўзгараётган техника ва курул-аслаҳаларни пухта ўзлаштиришга муваффақ бўлаётган, махсус авария-тиклаш ишларида фаол иштирок этаётган, Ватан ҳимоясини ўзига бир умрлик касб қилиб олган республикамиздаги барча ҳарбийларни, муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган барча аскарларни ҳамда жоважон Ўзбекистонимиз фуқароларини, мудофаани мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб, аynи пайтда доно маслаҳатлари билан бизга ёрдам бераётган азиз фахрийларни 14 январ — Ватан ҳимоячилари кuni билан самимий табриқлайман. Ишларига ривож, ўзларига мустаҳкам соғлиқ тилайман.

Юртимиз тинч, турмушимиз янада обод бўлаверсин. Байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!

Юрий САБИРОВ,
Махсус авария-тиклаш
бошқармаси бошлиғи, полковник

Яқинлар кўмағи билан

Республикамизда шундай аёллар борки, юртга фидойиликда, ғайрату шижоатда айрим эркакларни-да йўлда қолдиришади. Бундайлар учун Ватан ҳимояси орномус иши хисобланади.

МАТБ Саф бўлинмаси масъул ижрочиси Наргиса Шерматова ана шундай, қадамидан ўт чакнайдиган аёллардан бири. Унинг ҳарбийлик либосини кийиб, йигитлар билан бир сафда меҳнат қилаётганига саккиз йил бўлди.

— Ҳарбийлик менга ота касб, — дейди Наргиса. — Отам Мирзабек Бўрибеков шу ердан пенсияга чиққанлар ва мендан ҳамон ўз маслаҳатларини аямайдилар. Турмуш ўртоғим хусусий фирма эгаси. У кишининг ҳам ёрдамини ҳамма вақт ҳис қилиб тураман. Фарзандларим Шахноз ҳамда Шахзодлар тарбиясида онажоним кўмакдош. Яқинларим қўллови сабаб сеvimли ишимни аъло даражада бажаришга интиляпман.



Ўғилларнинг сараси — Ватан ҳимоячиси

Дарҳақиқат, эғнида ҳарбий кийим, қўлида курул билан эл осойишталиги йўлида бедор турганлар йигитларнинг энг саралари хисобланишади. Янгийўллик Исмоил ака хонадонидидаги беш ўғилнинг уч нафари ана шундай, элнинг мардларидан. МАТБ 2-Марказ бошчилигининг таъминот ишлари бўйича ўринбосари Исматжон Рамазонов уларнинг бири.

— Алоқачилик менга ота касб, — дейди Исматжон фахр билан. — Отам Қуёшли қўрғонидидаги 3-

радиостанцияда муҳандис бўлиб ишларди. Мен ҳам отамга қизиқиб, Тошкент радиотехника ва автоматика коллежидида ўқидим. Сўнгра МАТБга ишга келдим. Дастлаб Тўлқинли радиоалоқани бошқардим. Ҳозирги вазифам янада масъулиятли.

Исмат Рамазоновнинг таъминот қўлчилик ҳавас қиладиган ажойиб рафиқаси, шириндан-шакар икки қизалар бор. Шунинг учун ҳам унинг оиласидан қўнгли тинч, ҳамиша постида сергак.



Саҳифа материалларини Муборак МИРКАМОЛОВА тайёрлади. Суратлар муаллифи Муҳиддин СОЛИЕВ

● Реклама


“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

СИРДАРЁ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Жонажон диёримиз аҳолисини
14 январь — Ватан ҳимоячилари куни
билан табриклайди.**



**Юртимиз тинч,
осмонимиз
мусаффо бўлсин!**



“ЎЗИ-Термиз” филиалида кўплаб опа-сингилларимиз меҳнат қилмоқда. Ҳамкасблари орасида Муҳайё Жўрабоевнинг ўз ўрни бор. Мижозлар бўлими оператори сифатида хурмат-эътибор топган Муҳайёхон алоқа хизмати тўлови масаласида ҳар куни юздан ортиқ киши билан мулоқотда бўлади. Улар турли ёш ва характердаги турли миллат вакиллари дидир.

Билан бўлсангиз, бўлим операторлиги осон эмас. Гап шундаки, мижозларнинг ҳаммаси “хизмат ҳақини ўз вақтида тўлай” деб келмайди. Ваҳоланки, “Компотерингиз ўзи ёлгон маълумотни кўрсатмайптими, мен бу ойда уй телефонимдан унча кўп фойдаланмадим-ку?” дея даъво қилувчилар ҳам учраб туради. Шундай қалтис дамларда Муҳайёхон бор кучини овозига бераётган кишига табассум билан ва вазмин оҳангда замонавий техника қудратини тушунтиради:

— Унақа деманг, амакижон, бу “машина” сизнинг сўзлашув ўзинингизда “оқим” қандай бўлса, шундай кўрсатади. Ўйлаб кўринг, балки дунёнинг олис манзили билан бирон марта боғлангандирсиз?

Операторнинг муомаласидан таскин топган киши бир зумдан сўнг узрини айтади:

— Тарбия берган ота-онангизга раҳмат, сингилжон. Янгангиз билан Данияда ўқиётган ва Россияда ишлаётган ўғилларимизга телефон қилган эдик. Узр, мен адашибман.

Аслини олганда, билим ва тажриба ҳар ким билан ҳаводай зарур. Агар ақлнинг шу икки қаноти мустаҳкам бўлса, инсон йўли доим ойдинлашиб туради. Муҳайёхон шунга ўхшаш хикматли ўғит-насихатларни аввало меҳрибон она-сидан, қолаверса, Термиз шаҳридаги Мирзо Улугбек номидаги 9-мактабда таҳсил берган устоз-мураббийларидан кўп бора эшитган эди. Эшитган сари қўнгли тўрига жойлай борди. Оқибатда, синовларга бой ҳаёт сирларини ўқиб-ўрганишдан асло толиқмади.

Бир куни онажонига, мен ҳам сиз ва Муқаддас опамдек алоқа соҳасида ишламоқчиман, деб қолди. Раҳматли Сайлихон опа кизининг инон-истагига дабдурустдан қарши бормадим-ю, харқалай бу соҳада ишлаш учун билимнинг ўзи қифоя эмаслигини эслатиб қўйди. Ўз навбатида, охишта “Майли қизим, фақат раҳбарингизга хурмат

кўрсат, ҳамкасбларингиз ва кўпсонли мижозлар билан мулоқот қилишда тилингиз ширин бўлсин!” деб қўйди. Не бахтки, Муҳайёхон фаолиятининг илк кунидан ҳозирга қадар рамзий маънода Маккаи-мадинаси ҳисобланган онаси кўрсатган йўлдан бормоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19

**Аслини олганда,
билим ва тажриба
ҳар бир касб эгасига
сув билан ҳаводай
зарур. Агар ақлнинг
шу икки қаноти мустаҳкам
бўлса, инсон
йўли доим ойдинлашиб
туради.**

йиллиги арафасида 2012 йилни Мустаҳкам оила йили деб эълон қилганда, барча юртдошлари қатори Муҳайё Жўрабоевнинг ҳам шодлиги бир олам бўлди. Турмуш ўртоғи Отамуроджон ва қизлари унинг қувончига шерик бўлишди. Тўқин дастурхон атрофидаги гурунгда хунарманд уста Отамурод Қурбонов “Мустаҳкам оила йилида ҳар йилгидан кўп ва сифатли меҳнат буюмлари тайёрлаб, халқ фаровонлигини оширишга ўз ҳиссамни қўшаман” деб истак билдирди.

Чиндан ҳам оила бошлиғи, мохир хунарманд Отамурод Қурбонов кўлида жило топган нафис меҳнат

буюмлари бозорғирлиги билан ажралиб туради. Йил мобайнида кўплаб ёш оилаларнинг намунавий лойиҳа асосида қурилган уйларига шу буюмлар ўзгача файз бахш этди. Оила даромадига даромад қўшилди.

Муҳайёхоннинг йил муносабати билан кўзлаган мақсади муродли бўлди. “Мустаҳкам оила йили Давлат дастури” доирасида соҳа ходимлари иштирокида ўтказилган оилавий мусобақалар ва “Ош фестивали”нинг вилоят босқичида у “ЎЗИ-Термиз” филиали жамоаси шарафини ҳимоя қилди. Ҳамкасби Севара Бозорова кўмагида тайёрлаган ўзбекона миллий таоми фахрли биринчи ўринга муносиб кўрилди. Унинг нафақат филиалда ишчан ва мохир оператор, балки оилادا пазанда бека эканлиги юқори баҳоланди. Муҳайёхон фестивалнинг республика финал босқичида Сурхондарё вилояти алоқа корхоналари номидан иштирок этди. Тўғри, у бу босқичда волиб бўлолмади, аммо фарғоналик, тошкентлик ва хоразмлик ҳамкасбларининг миллий таоми янада хуштаъм тайёрлаш борасида кўп нарсаларни ўрганди.

— Президентимиз 2013 йилни Обод турмуш йили деб эълон қилди, — дейди “ЎЗИ-Термиз” филиали оператори Муҳайёхон Жўрабоева. — Демак, мазкур йилда Мустаҳкам оила йилида улгурмаган мақсадларимизга эришамиз, энг муҳими, оиламиз бахту саодати учун кўпроқ ҳаракат қиламиз.

**Нортожи ЗИЁЕВ,
“Xabar”нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири**

Xalqaro haqot

АВСТРАЛИЯнинг Янги Жанубий Уэлс штатида юздан ортиқ ёшнинг чиқди.

Мамлакатда душанба куни ҳаво ҳарорати рекорд кўрсаткич — 40,33 даражага етган. Иссиқ билан бирга кучли шамол ва куруқ ҳаво кузатишмоқда. Штат ҳудудида гулхан ёқиш тақиқланди, миллий боғлар эса ёпилди. Олов чиққанда аҳолини эвакуация қилишмоқда.

Хавфли об-ҳаво шароити Викториа штатида ҳам кузатиляпти. Ҳозирча қурбонлар ва зарар кўрганлар ҳақида маълумотлар йўқ.

АФГОНИСТОНда 2014 йилда битта ҳам америкалик аскар қолмаслиги мумкин. Бу ҳақда АҚШ президентининг Миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси ўринбосари Бен Родс маълум қилган.

Унинг айтишича, Обама маъмурияти ўз кучларининг Афғонистондаги ҳозирлиги масаласида турли танловларни кўриб чиқмоқда ва улар орасида худди шундай эҳтимол ҳам назардан соқит этилмаган.

НИГЕРИЯ муҳолифат вакиллари мамлакатнинг чекка ҳудудларида яшаётган фермерларга 1 миллионга мобил телефон тарқатиш режасини танқид остига олди. Бу лойиҳанинг амалга оширилиши Нигерия ҳукумати тахминан 400 миллион долларга тушади. Уларнинг фикрича, лойиҳада баъзи амалдорларда маблағларни сунистеъмоқ қилишга имконият кўп бўлади. Бундан ташқари, уларнинг фикрича, телефонлар асосан ҳукумат тарафдорларига насиб қилади.

Ҳукумат вакиллари бу гапларни инкор қилишмоқда ва фермерлар орасида алоқанинг ривожланиши мамлакат кишлоқ ҳўжалигининг тезроқ тараққий этишига ёрдам беришини таъкидлашмоқда.

ЕР САЙЁРАСИ учун энг жиддий хавф тундиради, деб ҳисобланганидан Apophis астероиди 9 январь куни Ерга 14,5 миллион километрлик оралик масофада яқинлашган. Коинот миллидида олиб қаралса, бу учалик катта масофа эмас. 2029 йилга бориб эса, 300 метрлик ушбу астероид Ердан бор-йўри 36 минг километр тепалиқдан учиб ўтади. Бу сунъий йўлдошлар ҳаракатланадиган балансда билан тенгдир.

Apophis астероидининг Ер билан тўқнашиб кетишига оид бир қанча тахминлар мавжуд. Аниқ ҳисоб-китобларни қўлга киритиш учун астероидга автомат тадқиқот марказини жўнатиш режалаштирилган, бироқ ҳозирча уни телескоп орқали кузатишдан бошқа чора йўқ.

ҚАТАР ҳукумати Мисрга бериладиган ёрдам ҳажмини 2,5 миллиард доллардан 5 миллиард долларга оширишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда мамлакат президенти Муҳаммад Мурси ва Қатар бош вазيري Хамад бин Жасем ал-Танини 8 январда келишиб олишди. Келишувга кўра, Миср ҳукумати 1 миллиард долларни грант шаклида, 4 миллиард долларни эса депозит шаклида олади.

Бундай чорадан Миср иқтисодиётини қисман тиклаш ва миллий валютанинг қадрсизланишини секинлаштириш кутилмоқда.

ИРОҚ Иордания билан чегарадаги ягона ўтиш йўлини ёпиш ниятида. Ироқ мудофиа вазирлигининг бундай кескин чора кўришига ҳукуматта қарши намоийш қатнашчиларининг икки давлатни бирлаштирувчи асосий йўли ёпиб қўйгани сабаб бўлди. Бу хабарни Иорданияда ҳам тасдиқлашмоқда. Расмий манбалар ҳозирча чегаранинг қачон очилиши ҳақида аниқ маълумот беришмаяпти.

Эслатиб ўтамиз, Анбар музофотида ўтган йилнинг охиридан бери президент Нури ал-Малкининг сиёсатидан норози маҳаллий суннийларнинг намоийшлари давом этмоқда.

Ўзбекистонда ҳар йили олий ўқув юртларининг рейтингини ўтказиладиган бўлди.


2012 йил якун топиб, тарих зарварақларига ёзилди. Анъанага кўра, Юртбошимиз тақлифи билан, ўтган йил Мустаҳкам оила йили сифатида номланганди. Табиийки, 2012 йилда республикада "Мустаҳкам оила йили Давлат дастури" да белгиланган салмоқли юмушлар амалга оширилди. Ва, албатта, халқ турмуш фаровонлигининг ошишида, жамиятимиз равнақда етарли аҳамиятга эга бўлган бу ишлар замирида анча теран маъно бор.

Зеро, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, фуқаролар ҳаёти фаровонлигини ошириш, пировард натижада жамият тараққиётига эришиб бориш бир йиллик юмушлар билан белгиланмайди. 2013 йилнинг Обод турмуш йили деб белгиланганлиги бу йўналишдаги изчилликдир.

Хар бир халқнинг ўзига хос урф-одатлари, расм-русумлари, анъаналари бор. Ушбу қадриятлар оилада шаклланиб, жамиятда камол топади. Шарк халқларида, жумладан, ўзбек халқида оиладаги ўзига хос тарбия ва маънавият мактаби анча қадимдан шаклланган. Умумий қадриятлар ўз ифодасини топган ва асрлар давомида сайқалланиб келмоқда. Ўзбек оиласи ўзининг болажонлиги, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг самимийлиги, ор-номуснинг кучлилиги, кексаларга ҳурмат, ёшларга иззат каби фазилатлари билан ажралиб туради. Халқимизда қадимдан ота оила бошлиғи, таъминотчи ва тарбиячи, она эса оиланинг бекасис, фойзи ҳисобланиб келинган. Фарзандларга Яратганнинг фазлу марҳамати, неъматидек қаралган. Уйдан чиқаётганда оиланинг катталари — буви-боболар ёки ота-онани дуо олин-

Оила мустаҳкамлиги — турмуш ободлиги

Яхши парваришланган ниҳол қуёшга талпиниб гуркираб ўсади



Оиланинг жамият ривожидagi бирламчи вазифаси маънавий бутунликдадир. Маънавийсиз моддий фаровонликка ҳам, тараққиётга ҳам эришиб бўлмайди.

ган. Уйга қайтганда ҳам, аввал улардан ҳол-аҳвол сўраш халқимизга хос ажойиб ҳислатдир.

Фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук, мамлакат равнақи ва келажаги учун хизмат қиладиган даражада мукамал инсон бўлиб вояга етишида оиланинг ўрни жуда муҳим. Шу боисдан, жамиятнинг асосий бўғинини ташкил этувчи оила жамият ва давлат муҳофазасидадир. Оиланинг жамият ривож-

даги бирламчи вазифаси маънавий бутунликдадир. Маънавийсиз моддий фаровонликка ҳам, тараққиётга ҳам эришиб бўлмайди. Маънавий кашшоқлик таназзулга олиб боради. Маънавий кашшоқ инсон ҳалол, маънавий етук фарзанд тарбиялай олмайди. Фарзандлар одатда биринчи намуна ва ибратни ота-оналаридан олади. Оилада ота-она бир-бирига нисбатан меҳр-муҳаббатли бўлса, фарзандлар ҳам шунга қараб тарбияланади. Улғайиб мустақил ҳаётга қадам қўйган ҳар қандай ёш инсон учун ота-онасидан олган тарбияси ҳаёт мактаби вазифасини ўтайди ва бундай оила мустаҳкам асосга эга бўлади. Зотан, халқимизнинг пировард мақсади ҳар жиҳатдан етук, баркамол фарзандлар тарбиялаш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, келажаги буюк давлат қуришдан иборат. Яхши парваришланган ниҳол қуёшга талпиниб, гуркираб ўганидек, таг-замини мустаҳкам оилада ота-она меҳридан, жамиятнинг эътибори ва ғамхўрлигидан баҳра олган ёшларимиз ҳам баркамол бўлиб вояга етадилар ва мамлакатимиз тараққиётга муносиб ҳисса қўшадилар. Албатта, оила мустаҳкамлигини юксалтириш, фарзандлар тарбиясини янада яхшилаб бориш, ҳар бир оиланинг турмуш тарзини фаровонлаштириш каби аҳамиятли юмушлар Обод турмуш йилида ҳам барқарорлик билан давом этишига ишончимиз комил.

Азамат ХУДОЙҚУЛОВ,
ТАТУ Қарши филиали
илмий котиби

Ҳаёт шодлиги

Кимнингки кўнгли обод, қалби пок бўлса, у ҳаётда қийналмай, яхшиликлардан қувониб, ўзи ҳам яхшиликларга бурканиб яшайди. Бундай одамлар қаерга боришса ҳам кўзлари бошқалардаги яхши фазилатларни, яхши ишларни кўради ва ўзлари ҳам ундан шодланишади. Мана шу шодлик улар саломатлиги мустаҳкам, кайфияти доимо чоғ бўлишига хизмат қилади.

Узоқ йиллар Тошкент электротехника алоқа институти (ТАТУ) да талабаларга сабоқ бердим. Пенсияга чиққач эса турли жамоат ишларида ишладим. Ва шу нарсага амин бўлдимки, инсон ҳаётда нима истаса шунга топар, яхшилик излаганининг кўзлари яхшиликни, ёмонликни ёқтирувчиларнинг кўзлари ёмонликни кўради экан. Бунга ҳаётимда бир неча бор амин бўлганман.

Москвадаги электротехника алоқа институтида ўқиб юрган пайтларимда ўзга миллатга мансуб бир дугонамиз бўларди. Қачон қараманг, кимларнидир хато-камчиликлар ҳақида гапирарди. Нонуштада, тушликда бирга ўтириб қолсак, албатта, кимнингдир ёмон ҳолатидан гап очарди. "Кеча Валентинага ота-онани посылка жўнатибди. Очиб қараса, беш-олтита нон ва ёнғоқдан бошқа ҳеч нарса йўқ экан. Валай индамай ерга қараб қолибди" ёки "Фалончи курсдошимиз имтиҳонга шунча тайёр-

ланса ҳам ўта олмади"га ўхшаш гапларидан безор бўлардик. Биз-ку шу қабилдаги гаплар бошлангани билан бирор нимани баҳона қилиб туриб кетардик. Лекин доимо кимнингдир ташвиши, етишмовчилиги ҳақида гапиршдан унинг ўзи ҳам қийналиб, асабийлашиб юрарди. Ўша дугонамиз ҳам охириги боскичларда ўқиётганимизда қандайдир асабий, жижзаки бўлиб қолди. Бу эса турли касалликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Сўнгги боскич олдида у бир йиллик таътил олиб, даволашни кетди.

Онажоним уруш йиллари Фарғона шаҳрида ташкил этилган Болалар уйида узоқ йиллар директор бўлиб ишлаган. Кўпинча мен ҳам у ерга бориб, у-бу ишларига ёрдамлашардим. Онам ва у ерда ишлаётган бошқа тарбиячилар зиммасига оғир вазифа — ота-она меҳридан мосуво турли миллат фарзандларининг кўнглини топиш, ўқисик қалбларига мал-

ҳам бўлиш вазифаси юклатилган эди. Болаларнинг руҳияти эса кўпинча тушқун бўлар, айримлари ота-онасини кўмсаб кечалари йиғлаб чиқишар эди. Оила бағрини ҳис қилсин, деган ниятда онам айримларини уйга ҳам олиб келар, улар икки-уч кунлаб уйимизда қолган вақтлари ҳам бўларди.

Айниқса, Саломат опа деган аёл болаларнинг жону дили эди. Болалар бу аёлни "Ойи" деб чақирарди, опа уларнинг онаси ўрнини босишга ҳаракат қилар, ҳатто бир неча кунлаб болалар олдида қолиб кетарди ҳам. Саломат опанинг ажойиб одати бор эди — ҳеч қачон, ҳеч кимнинг ёмон томонларини гапирмас, қийинчиликлардан нолимас, ўзгаларни ҳам нолишига жим қараб турмасди. Унинг бир гаши бўларди: "Бу кунлар ҳам ўтиб кетади". Ўша пайтдаги қийинчиликлар вақтинчалик эканлигига болаларни ишонти-

Фақат
яхшиликни
ўйланг, яхши ният
билан яшанг.

ра оларди у. "Урупда нималар бўлмайди, дейсиз. Ота-онангиз балки тирикдир. Мабодо шундай бўлса, бир кун келиб уларни, албатта, топасиз. Мабодо оладан ўтган бўлса, руҳи сиз билан бирга. Шунинг учун ўқисинанг ва йиғламанг. Хали вақти келиб шундай одам бўласизки, ҳамманинг хаваси келади. Фақат яхшиликни ўйланг, яхши ният билан яшанг".

Ҳақиқатан ҳам кейинчалик болаларнинг кўпчилиги турли олий ўқув юртида ўқиб, элга нафи тегадиган инсонлар бўлишди. Улар қаерда бўлсалар ҳам Саломат опани оналари ўрнида кўриб, доимо хабар олиб туришди. Мурғак кўнглиларига эзгулик уруғини сепгани учун миннатдорлик белгиси эди бу.

Барчани яхшилик сари ундаган, ўзи ҳам доимо яхшиликни дилига жо қилган Саломат опа узоқ яшаб, бу дунёни тарк этди. Саломат опанинг нафақат яқинлари, балки уни таниган-билганларнинг кўпчилиги яхшилик билан ёшашади, унга Аллоҳнинг раҳматини сўрашади.

2013 йил Обод турмуш йили деб аталди. Бу ном замирида жуда катта маъно бор. Яъни, ҳар биримиз уй-жойимиз, маҳалламизни обод қилиш билан бирга, кўнгли ободлигини ҳам унутмаслигимиз лозим. Фарзандларимизни бағрикенг, ўзгалар иши учун қайғурадиган, оилага, юртга фидойи инсонлар қилиб тарбиялашга ҳаракат қилайлик.

Дилбар НОСИРОВА,
алоқа фахрийси

Дальнейшее совершенствование

ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРАВИТЕЛЬСТВЕННОГО ПОРТАЛА С УЧЕТОМ ПРЕДОСТАВЛЕНИЯ ИНТЕРАКТИВНЫХ ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ В РЕЖИМЕ "ЕДИНОГО ОКНА"

В целях создания условий для обеспечения полноценного обмена данными в электронной форме, ускорения процедур оформления запросов, повышения эффективности взаимодействия субъектов предпринимательства и населения с государственными органами на основе использования информационно-коммуникационных технологий Кабинетом Министров Республики Узбекистан 30 декабря 2012 года принято постановление "О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Правительственного портала Республики Узбекистан в сети интернет с учетом предоставления интерактивных государственных услуг".

В соответствии с данным постановлением Государственному комитету связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Республики Узбекистан поручено разработать и запустить в сети интернет Единый портал интерактивных государственных услуг,


который будет функционировать в рамках Правительственного портала Республики Узбекистан, в том числе в режиме "единого окна".

Единый портал интерактивных государственных услуг Республики Узбекистан направлен на:

- обеспечение доступа физических и юридических лиц к сведениям об услугах и функциях органов государственного и хозяйственного управления, органов государственной власти на местах;

- предоставление пользователям возможности по обмену данными в электронной форме, оформлению запросов через единую точку доступа к интегрированному интерактивному государственным услугам органов государственного и хозяйственного управления, органов государственной власти на местах, в том числе на платной основе;

- учет запросов и обращений физических и юридических лиц, связанных



с функционированием Единого портала, в том числе осуществление мониторинга качества предоставления интерактивных государственных услуг органами государственного и хозяйственного управления, органами государственной власти на местах.

Это все позволит повысить эффективность предоставления интерактивных государственных услуг субъектам предпринимательства и населению через Правительственный портал на основе взаимодействия государственных органов.

ccitt.uz

НОВЫЙ МИНИБАНК ОАК "АЛОКАБАНК"



На улице Алишера Навои открыт первый розничный центр банковских услуг ОАК "Алокабанк". Время работы минибанка: 365 дней в году, 7 дней в неделю, 15 часов в день (с 7.00 до 22.00). В новом минибанке предоставляются все виды розничных услуг:

- 11 международных денежных переводов без открытия счета;
- оплата всех коммунальных услуг;
- приём вкладов;
- кредиты для физических и юридических лиц;
- другие виды услуг.

Таможня запустила систему электронного декларирования товаров

В соответствии с Постановлением Правительства от 29 декабря 2012 года № 370 с 1 января 2013 года субъектам предпринимательства предоставлено право по своему выбору осуществлять процедуру таможенного оформления товаров в электронной форме.

В целях перехода на таможенное оформление товаров в электронной форме Кабинет Министров утвердил Положение о порядке проведения данной процедуры.

Ответственным за внедрение автоматизированной информационной системы электронного декларирования товаров (АИСЭДТ) определен Государственный таможенный комитет, который к началу нового года завершил опытную эксплуатацию системы.

Процедура декларирования товаров при их таможенном оформлении в электронной форме состоит из двух этапов.

На первом этапе уполномоченными органами в установленные сроки выдаются и вводятся в АИСЭДТ разрешительные документы на уровне межведомственного взаимодействия. Перечень разрешительных документов и наименования органов, уполномоченных их выдавать и вводить, приведены в приложении к утвержден-

ному Положению.

На втором этапе специалист по таможенному оформлению подготавливает грузовую таможенную декларацию в виде электронного документа и сопутствующие документы.

Подготовленные сопутствующие документы подписываются электронной цифровой подписью специалиста по таможенному оформлению и направляются сотруднику таможенной службы, где будет осуществляться таможенное оформление товара в электронной форме.

Положением также установлены сроки хранения электронных деклараций — они должны соответствовать срокам хранения бумажных ГТД.

Приняв решение о проведении таможенного досмотра товаров, сотрудник таможни в течение трех часов отправляет специалисту по таможенному оформлению электронное сообщение, содержащее информацию о времени и месте его проведения. В случае соответствия сведений, указанных в электронной декларации, результатам таможенного досмотра, дальнейшее оформление проводится в обычном порядке.

При выявлении нарушений таможенный орган принимает соответствующие меры, предусмотренные законодательством.

КОРОТКО

Сопу показала самый большой водостойкий смартфон — Xperia Z.

Разрешение экрана Xperia Z составляет 1920 на 1080 точек (Full HD). На каждый дюйм дисплея приходится 443 пикселя — это одно из рекордных значений для современных смартфонов. У телефона четырехъядерный процессор Snapdragon S4 Pro и два гигабайта оперативной памяти.

Xperia Z не боится пыли и воды: его можно держать под водными струями и погружать в пресную воду на глубину до метра.

Fulton Innovation представила технологию eCoupled, которая позволяет двум мобильным устройствам "делиться" друг с другом зарядом батареи.

Разработку продемонстрировали на примере смартфона и планшета. У смартфона садится аккумулятор, в то время как планшет заряжен с запасом. С помощью eCoupled планшет может "передать" часть своего заряда смартфону. Для передачи энергии не нужны провода — достаточно просто положить смартфон на заднюю панель планшета.

Kingston представила самый вместительный ультракомпактный USB-накопитель. Модель DataTraveler HyperX Predator 3.0 будет доступна с 1 Тб памяти, пока эта флешка предлагается в 512-гигабайтной модификации.

Помимо высокой емкости, новинка может похвастаться впечатляющими скоростными характеристиками, что позволяет ей быть одной из самых быстрых флешек на рынке. Так, скорость чтения данных в DataTraveler HyperX Predator 3.0 составляет 240 Мб/с, запись осуществляется при 160 Мб/с. Устройство подключается к интерфейсу USB 3.0, но сохранилась обратная совместимость с USB 2.0, правда, в этом случае скорость передачи информации падает до 30 Мб/с.

К 2016 году телевизоры стандарта 4K или Ultra HND, разрешение которых в 4 раза больше, чем у обычных HDTV, будут присутствовать почти в 10 млн. домохозяйств по всему миру, а к 2020 году это число превысит 130 млн., прогнозируют эксперты исследовательской компании Strategy Analytics.

По мнению специалистов, как только цены опустятся, объемы продаж UHD TV в США, Европе, Японии, Китае и на других рынках начнут стремительно расти.

Хабарлар +tv

ДУШАНБА — 14 ЯНВАР

СПОРТ

5:55 Курсгулар дафтари.
6:00 "Ассолом, Ўзбекистон".
7:00 "Кундо амакининг ҳикоялари".
М/с.
7:15 "Кўнжа кўшиқ истайд".
7:25 Миллий сериал: "Опа - сингллар".
8:00 "Ҳадиёнома".
8:40 "Саломатлик дафтари".
9:00 "Ҳиким".
9:00 "Моқор кўлар".
9:10 "Аёл бахти".
9:25 Миллий сериал: "Сержанлар".
10:00 Ватан ҳимоюнлари кунга бағишланган байрам дафтари.
10:00 "Ассолом, Ўзбекистон".
12:50 "Кўнжа кўшиқ истайд".
12:55 "Доктор Хаус". Т/с.
13:40 "Эне студияси: Этикал мустақимлиги йилда".
14:00 "Азборот".
14:15 "Ўзбек киноси: Чавандоз".
15:45 "Ҳиким".
15:50 Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қучлари Марказий ашула ва рақс ансамблининг концерти.
16:20 "Қамолот остида".
16:40 "Ўзбекистон табиати".
17:00 "Азборот".
17:10 "Ватан манзиллари".
17:25 Миллий сериал: "Опа-сингллар".
18:00 "Кўнжа кўшиқ истайд".
18:10 Эпохасар - яхшиликка етаклар.
18:30 "Йўлдош".
18:35 ТБ - шифокор".
18:40 "Доктор Хаус". Т/с.
19:25 20.00, 20.55 Эпохасар.
19:30 "Азборот". Т/с.
20:05 "Ой осунидан қўйс". Т/с.
21:00 "Азборот".
21:40 "Менинг омам".
22:00 "Кўнжа кўшиқ истайд".
22:10 "Севги мизоби". Б/ф.
23:30 - 00:00 "Офис".
00:00 Курсгулар дафтари.
00:05 "Аёл бахти".
00:20 "Моқор кўлар".
00:30 Миллий сериал: "Сержанлар".
1:00 "Азборот". Т/с.
1:05 Теле-спорт: "Ғарблар", 1-қўям.
2:10 "Менинг омам".
3:10 "Ассолом, Ўзбекистон".
4:00 "Азборот".
4:40 Миллий сериал: "Опа - сингллар".
5:15 "Саломатлик дафтари".
5:30 "Ўзбекистон табиати".
5:50 - 5:55 "Офис".

ТЕЛЕ-МАРКЕТ

6:00 "Ватан меҳри".
6:10 "Ўнгуликке оқинлар".
7:00 "Нур-и-нажод".
7:30 Музыланирама.
8:00 Миллий сериал: "Сардор-3".
9:00 "Ешдик наволири".
9:10 "Афсулар". Т/с.
10:00 "Қамолот-инфо".
10:10 Қўнжа кўшиқлари Б/ф.
11:20 "Хайр сўмоқлари".
11:50 "Ешдик наволири".
12:10 "Таранг илдизлар". Т/с.
13:00 "Дар".
13:10 Миллий кино: "Жасур".
14:30 "Хайр гузар".
15:00 "Шероқар". Б/ф 1-қўям.
16:00 "Дар".
16:10 "Мустақам, соғлом оила".
16:50 "Қўммуқ".
17:20 Шавкат Айтинов ҳақида қўям Б/ф.
18:50 "У.ЕХ".
19:00 "Дар".
19:30 "Визлар ари". Т/с.
20:20 "Ешдик наволири".
20:40 "Ватан эли, жасур ману".
20:50 Эртаник болаларлар.
21:10 "Таранг илдизлар". Т/с.
22:00 "Дар".
22:20 Миллий сериал: "Сардор-3".
23:20 "Пакиза".
00:00 "Ватан меҳри".
00:10 "Ешдик наволири".
00:20 "Дар".
1:00 "Афсона ва ҳақиқат".

2:00 "Эр замни".
2:30 "Муҳаббат дўни".
3:30 "Иқубар". Б/ф.
5:10-6:00 "Таранг".

КОМПОЗИТ

6:00 Курсгулар тартиби.
6:05 "Қасма". Б/ф.
6:15 "Ҳишлолар".
6:30 "Салом, Тошкент".
6:30 Тошкент тароналари.
6:40 "Саргузаштар орали".
6:05 Ватан ҳимоюнлари кунга: "Истеда".
6:20 "Интеллектуал аукцион".
6:30 "Пойтахт".
6:40 "Мазийри фиоабилари".
10:00 "Нитерье".
10:10 "Музафиз Бахарианнинг алоҳида намунали кўрағамли ҳарбий оркестри кўрағи элади".
10:30 "Пойтахт". /рус тилида/.
10:45 "Аёло қайғири".
11:25 "Улдари".
11:30 "Ватан". Б/ф.
13:00 "Салом, Тошкент".
14:00 "Дўғи" телеаудио.
14:55 "Бизнес-пойтахт".
15:00 "Пойтахт".
15:15 "Этикасар". Т/с. 58-қўям.
15:50 Ватан ҳимоюнлари кунга: "Этаник эгалари".
16:05 "Ийран".
16:20 Тошкент тароналари.
16:40 Миллий музикалик "Тумари".
16:55 Ватан ҳимоюнлари кунга: "Қасма-фариш".
17:15 "Улдари".
17:20 Ватан ҳимоюнлари кунга: "Ўзбекистон Вигиллари".
18:00 "Пойтахт".
18:25 "Интеллектуал аукцион".
18:35 Миллий сериал: "Умр сўмоқлари". 11-қўям.
19:05 Ватан ҳимоюнлари кунга: "Душанба пиллар".
19:30 Тошкент тароналари.
19:40 "Теле-маркет".
19:50 "Хайри тун, болжон".
20:00 "Пойтахт".
20:25 Ватан ҳимоюнлари кунга: "Суз сизга". Тў шоу.
21:05 Тошкент тароналари.
21:15 "Нитерье".
21:30 "Теле-маркет".
21:45 "Дениз ҳуққори". Т/с. 42-қўям.
22:30 "Пойтахт". /рус тилида/.
22:50 "18-кларат". Б/ф./Рус тилида/.
00:20 "Эко-пойтахт". /Рус тилида/.
00:30 "Кино SMS". /рус тилида/.
00:35 Курсгулар тартиби.
00:40 "Тўғам ҳақида". /Рус тилида/.
01:10 "Марғирия Х/ф".
01:15 "Қўнжа донграси".
01:30 "Ватан". Б/ф.
05:00-06:00 "Салом, Тошкент".

СПОРТ

6:00 "Хайри тон".
6:10 "Саломат бўлинг".
6:30 "Жасур болалар".
7:05 "Бокс тарихи". Хужжатли фильм.
7:25 Боллар майдончаси: Тонги гаваласида.
7:30 "Спортизъм". Музыланирама.
7:55 Ватан ҳимоюнлари кунга: "Эхтиром".
8:00 ХАБАРЛАР.
8:30 "Саломат бўлинг".
8:55 Футбол: Англия чемпиони. "Манчестер Юнайтед" - "Ливерпуль".
10:35 Ватан ҳимоюнлари кунга: "Эхтиром".
10:40 Жаҳон кубокларида: Биелон. Трансплантди сакриш.
12:55 Ватан ҳимоюнлари кунга: "Эхтиром".
13:00 ХАБАРЛАР.
13:10 Боллар майдончаси: "Спартакизм". Музыланирама.

13:35 "Ғинг юрдалари".
14:35 "Футзал". Ўзбекистон кубоги.
15:45 Ватан ҳимоюнлари кунга: "Муҳаббатнинг спорт".
16:15 Футбол: Англия чемпиони. "Арсенал" - "Манчестер Сити".
17:55 Ватан ҳимоюнлари кунга: "Эхтиром".
18:00 Боллар майдончаси: "Спортландия". Музыланирама.
18:25 Ватан ҳимоюнлари кунга: "Эхтиром".
18:30 ХАБАРЛАР.
18:50 Ватан ҳимоюнлари кунга: "Шиноқ".
19:20 Футбол: Англия чемпиони. "Арсенал".
20:05 Ватан ҳимоюнлари кунга: "Озим сари".
20:30 "Спорт - маркет".
20:40 Ватан ҳимоюнлари кунга: "Стап бикше". Ток-шоу.
21:30 ХАБАРЛАР.
21:50 Ватан ҳимоюнлари кунга: "Эхтиром".
21:55 Интернет.
22:35 Сеҳнаб дафтари анонси.
23:45 Тенис: Австралия оқиқ чемпиони.
00:55 Футбол: Англия чемпиони. "КПР" - "Тоттенхэм" турнир-турни оқиқ курганлиги.
3:00 Жаҳонлар.
3:25 - 5:50 Жаҳон кубокларида: Биелон. Тог чаниси. Чанги пойгаси.

ТВ

07:00 08:10 10:30 14:00 15:20 19:40 20:30 00:00 04:00-05:00 "ТVM" наволири
08:00 "Prime time".
09:40 "Сериал" "Без сизга".
11:30 "Х/ф".
14:10 "Сериал" "Ҳиндистон аўлири".
15:10 "Prime time".
18:00 "Премьера".
18:30 "Prime time".
18:40 "Сериал" "Ҳиндистон аўлири".
20:00 "Топ-10".
21:10 "Сериал" "Без сизга".
22:00 "ЛОДИ ИКС. НАЧАЛО" Х/ф.
02:00 "Фестивалье кино: "Как и провал элти летою".

04:00 Телеканал "Доброое утро"
08:00 11:00 14:00 Новости
08:05 Телеканал "Доброое утро"
09:05 "Жити здорово!"
10:05 Моэная григорю
11:15 Контрольные закупки
11:40 "Время обещал".
12:10 "Доброго здравияли!" с Генералем Малюковым
13:10 Дрүтые новости
13:25 "Повить. Простить".
14:15 "Хочу знать" с Михаилом Шварцшлтом
14:45 "Дешевое и сердитое" с Дарьей Лонковой
15:40 "Тя не один".
16:05 Т/с "Неравный брак".
17:00 "Вечерние новости".
17:40 "Повить. Простить".
18:10 "Давай поженимся!".
19:00 "Путь говору".
20:00 "Время".
20:30 Т/с "Метод Фрейда".
22:20 Ночные новости
22:35 "Папалы Варлей. Скучно без Шурки".
23:30 Триллер "И у холмоо ест глаза".

РОССИЯ 1

3:00 "Утро Россия".
7:00 "10:00 мелочи".
7:45 "Уо самом главном".
8:30 "Кулали и партнери".
9:00 12:00 15:00 18:00 Вести.
9:30 15:30 17:40 Местное время. Вести - Москва.

9:50 Т/с "Тайны следствия".
10:50 Леоа Х. Службине продолжатель".
11:50 14:45 Вести. Дежурная часть.
12:30 Местное время. Вести - Москва.
12:50 Т/с "Евровисия. Тасжва любовь".
13:45 Т/с "Тайны института благородных девиц".
15:50 Т/с "Вкус гранита".
18:30 "Славойлиаи лежи, мальшиш".
8:40 "Трамом-эфир".
19:30 Т/с "Марина роша".
23:00 "Депрята".

НТВ

4:00 "НТВ утром".
6:05 Т/с "Возращение Муштара".
8:00 10:00 14:00 17:00 Серии.
8:20 "Живит же люди".
8:55 "До суда".
10:00 Суд присяжных.
11:25 "Суд присяжных. Окончательный вердикт".
12:35 Т/с "Супруги".
13:30 16:30 Обсер. Чрезвычайное происшествие.
14:25 "Прокурорская проверка".
15:40 "Говорим и показываем".
17:30 Т/с "Паутина".
19:25 Т/с "Защита Красина".
21:15 Сегодня. Итоги.
21:35 Т/с "Русский дубль".
23:35 Динои мир.

РОССИЯ 2

3:00 "Все включено".
3:30 "Моя планета".
4:30 "В мире животных".
5:00 6:55 15:25 Вести-Спорт.
5:10 "Моя рыбака".
5:55 "Все включено".
7:05 Х/ф "И пришел паук".
9:00 "Наука 2.0. Оплыта дилетанта".
Понейксови.
9:30 "Наука 2.0. Большая скачок".
Радиоконкурс.
10:00 "Местное время. Вести-Спорт".
10:30 Авторпорт. "Дакар-2013".
11:00 Конькобежный спорт: ЧЕ.
Трансляция из Нидерландов.
11:55 Биелон. Кубок мира.
Трансляция из Германия.
12:50 Х/ф "Теневый человек".
17:25 Баскетбол.
19:15 "Неделя спорта".
20:05 "Суперкар: инструкция по сборке".
21:15 Х/ф "Робокот: Во имя приключения".
23:00 Авторпорт. "Дакар-2013".

СТС

4:00 М/с.
6:00 Т/с "Папины дочки".
6:30 Т/с "Светофор".
7:00 7:30 11:00 17:00 21:45 22:00 Т/с "6 канал".
8:30 16:30 Т/с "Воронины".
10:30 Т/с "Дашей Молодежи".
10:20 "Тандем".
13:00 Х/ф "Знакомьтесь, Джо Блэк".
17:20 Анимал фильм "Шрог".
19:00 Т/с "Дневник доктора Зайнатовой".
20:00 Х/ф "Бриллиантовый полицейский".
22:30 Т/с "Светофор".
23:30 Х/ф "Вечерние".

ТВ3

4:00 М/с.
7:00 Д/ф "Находкалет наследника".
8:00 15:00 Д/ф "Параллельный мир".
9:00 16:00 20:45 X-Версии. Дрүтые новости.
10:00 16:30 Д/ф "Охотники за привидениями".
10:30 Х/ф "Буря".
14:00 14:50 Д/ф "Галдеца".
17:00 Т/с "Обыкновенный".
19:45 Д/ф "Загадки истории. Сошедшие с небес".
21:10 Х/ф "Пресекон".
23:45 Х/ф "Фокусники".

Хабарлар

ЎЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Кундуз амакининг ҳикоялари".
M/c
7.15 "Кўнглик қўшиқ истайди".
7.25 Миллий сериал: "Опа - сингиллар".
8.00 "Ахборот".
8.40 "Маржон".
9.05 "Кунларнинг бирда".
9.20 Миллий сериал: "Сержантлар".
9.50 "Навоийини аниглаш".
10.05 ТВ - шифкор.
10.10 "Робин Гуд". Т/с.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Ой оқинагани кўёш". Т/с.
11.55 "Идиёт".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".
12.50 "Кўнглик қўшиқ истайди".
13.00 "Ахборот" /инглиз/.
13.10 "Доктор Хаев". Т/с.
13.55 "Иқлим".
14.00 "Ахборот".
14.15 "Дуние манзаралари".
14.35 "Қобланга кулоқ туз". Т/с.
15.05 "Иқлим".
15.20 "Одам ва одам" дастури: "Сайералар".
16.05 "Нинчо".
16.30 "Тезкор хабарлар".
16.40 "Ўзбекистон табиоти".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Умр заводи".
17.25 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
18.00 "Кўнглик қўшиқ истайди".
18.10 "Эртақлар - ахлоқийка етакчиси".
18.35 "Ситанин адвокатингиз".
18.40 "Доктор Хаев". Т/с.
19.25 20.00, 20.55 Эфирлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Ой оқинагани кўёш". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Муносабат".
22.10 "Кўнглик қўшиқ истайди".
22.20 "Иқлим".
22.25 "Баст калла". Б/ф.
23.55-00.00 "Очун".
00.00 Кўрсатувлар дастури.
00.05 "Нинчо".
00.30 Миллий сериал: "Сержантлар".
00.40 "Ахборот" /рус/.
1.00 "Теле Сентр: Ғариблар". 2-қисм.
2.15 "Маржон".
2.40 "Кунларнинг бирда".
2.55 "Юртим бўйлаб" дастури: "Боғор".
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон".
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
5.15 "Навоийини аниглаш".
5.30 "Ўзбекистон табиоти".
5.50-5.55 "Очун".



6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Унутилмак оҳанлар".
7.00 "Йул-йўлакчи".
7.30 "Мультиплатинарама".
8.00 Миллий сериал: "Сардор-3".
8.50 "Ешик навоилари".
9.10 "Вақтлар аро". Т/с.
10.00 "Давр".
10.10 "Энг жозибали ва латифали".
Б/ф.
11.30 "Автопарул".
11.50 "Ешик навоилари".
12.10 "Теран идиллар". Т/с.
13.00 "Давр".
13.10 "Ижувар". Б/ф.
14.30 "Дар замин".
15.00 "Шерхорак". Б/ф. 2-қисм.
16.00 "Давр".
16.10 "Муҳажирини дунё".
17.00 "Давр манаси".
17.20 "Қаюно 420". Б/ф. 1-қисм.
18.30 "Ушк".
19.00 "Давр".
19.30 "Вақтлар аро". Т/с.
20.20 "Ешик навоилари".
20.40 "Обод турмуш йили".
20.50 "Эртақлик бошқоқлари".
21.10 "Теран идиллар". Т/с.
22.00 "Давр".

22.30 Миллий сериал: "Сардор-3".
23.20 "Паизида".
00.00 "Ватан меҳри".
00.10 "Ешик навоилари".
00.30 "Давр".
1.00 "Афсона ва ҳақиқат".
2.00 "Қўмуғоқ".
2.30 "Муҳажирини дунё".
3.50 "Ижувар-2". Б/ф.
5.20-6.00 "Таранго".

ТОШКЕНТ

06.00 Кўрсатувлар тартиби.
06.05 "Мисини гавдар".
06.20 "Денгиз ҳужумчиси". Т/с. 42-қисм.
07.00 "Пойтахт".
07.30 "Салом, Тошкент".
08.30 Тошкент тароналари.
08.45 "Эртиқлар". Т/с. 58-қисм.
09.15 "Интеллектуал аукцион".
09.30 "Пойтахт".
09.40 Миллий сериал: "Умр сўмоқларида". 11-қисм.
10.10 "Интервью".
10.20 "Спорт оламид".
10.30 "Пойтахт". /рус тилида/.
11.10 "Ноттинг Хилс". Б/ф.
13.00 "Салом, Тошкент".
14.00 "Дуние", теледастури.
14.55 "Бизнес-пойтахт".
15.00 "Пойтахт".
15.15 "Эртиқлар". Т/с. 59-қисм.
15.50 "Добнамани".
16.10 "Пойтахт аўлялари".
16.23 "Уяларим".
16.30 Тошкент тароналари.
16.40 Муълалериал: "Винни Пус". 1-қисм.
17.00 "Эртиқлар".
17.25 "Хўмаю".
17.40 "Камертон". Муслиқий дастур.
18.00 "Пойтахт".
18.30 "Интеллектуал аукцион".
18.40 Миллий сериал: "Умр сўмоқларида". 12-қисм.
19.10 "Фан ва тарқоқет".
19.30 Тошкент тароналари.
19.40 "Теле-маркет".
19.50 "Хайрали туи, болажон".
20.00 "Пойтахт".
20.25 "Бевасита мулоқот".
21.05 Тошкент тароналари.
21.15 "Интервью".
21.20 "Пойтахт".
21.45 "Денгиз ҳужумчиси". Т/с. 43-қисм.
22.30 "Пойтахт". /рус тилида/.
22.55 "Репортаж". /рус тилида/.
23.10 "Кино SMS". /рус тилида/.
23.15 "Бовсий конь Х/ф".
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блок
12:10 Кутилмаган томоша
12:20 "Супер келинчак" теле­шоу
13:00 "Жаҳон 24" инфор­маци­он блок
13:10 "Мен зўртинчман" 6/ф
15:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви
15:20 Форум вақти
15:45 "Муслик вақти" дастури
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блок
16:05 "Клон" т/с (194-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоу-викторинаси
18:00 "Янги авлод" студияси намоиш этиди
18:10 Мультифильм
18:30 "Муҳаббат изтироблари" т/с (02-қисм)
19:00 "Муслик вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон 24" инфор­маци­он блок
19:40 "Клон" т/с (195-қисм)
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 "Борига барака" кўрсатуви
21:30 "Жосеу 007: "Скайфол операцияси" 6/ф премьераси
23:45 "Муслик вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал:
"Холодная гора" 6/ф
02:00 Тунингиз хайрли бўласин!

Пайшанба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури
06:30 "Файли тонг" дастури
08:30 "Форум хабарлари" кўрсатуви
08:40 "Муслик вақти" дастури
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Муҳаббат изтироблари" т/с (02-қисм)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон 24" инфор­маци­он блок
10:10 "Бахт уйи" 6/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блок
12:10 Кутилмаган томоша

12:20 Форум вақти
12:30 "Чой устид" кўрсатуви
13:00 "Жаҳон 24" инфор­маци­он блок
13:10 "Китобдони саргузаштлар" 6/ф
15:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви
15:20 Форум вақти
15:45 "Муслик вақти" дастури
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блок
16:05 "Клон" т/с (195-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоу-викторинаси
18:00 "Янги авлод" студияси намоиш этиди
18:10 Мультифильм
18:30 "Муҳаббат изтироблари" т/с (03-қисм)
19:00 "Муслик вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон 24" инфор­маци­он блок
19:40 "Клон" т/с (196-қисм)
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури
21:05 "Антракс" кўрсатуви
21:30 "Ҳаёт мурувати" 6/ф
23:45 "Муслик вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал:
"Телохранитель" 6/ф
02:00 Тунингиз хайрли бўласин!

Жума

06:00 "Мумтоз наволар" дастури
06:30 "Файли тонг" дастури
08:30 "Форум хабарлари" кўрсатуви
08:40 "Муслик вақти" дастури
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Муҳаббат изтироблари" т/с (03-қисм)
09:50 "Бизнес-промо"
10:00 "Жаҳон 24" инфор­маци­он блок
10:10 "Севги фаритаси" 6/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блок
12:10 Кутилмаган томоша
12:20 Форум вақти
12:30 "25 қадр" кўрсатуви
13:00 "Жаҳон 24" инфор­маци­он блок
13:10 "Ишонч" 6/ф
15:00 "Форум хабарлари" кўрсатуви
15:20 Форум вақти
15:45 "Муслик вақти" дастури
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот блок
16:05 "Клон" т/с (196-қисм)
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоу-викторинаси
18:00 "Янги авлод" студияси намоиш этиди
18:10 Мультифильм
18:30 "Муҳаббат изтироблари" т/с (04-қисм)
19:00 "Муслик вақти" дастури
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Жаҳон 24" инфор­маци­он блок
19:40 "Клон" т/с (197-қисм)
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури

21:05 "Ёндиралди кудиралди" кўрсатуви
21:30 "Гаровдагилар 2" 6/ф премьераси
23:45 "Муслик вақти" дастури
00:00 Тунги кинозал:
"Затеряние в снегах" 6/ф
02:00 Тунингиз хайрли бўласин!


Шанба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури
06:30 "Файли тонг" дастури
08:30 "25 қадр" кўрсатуви
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури
09:20 "Мадагаскар-3" м/ф (1 қисм)
10:00 "Мен қолдурман" 6/ф
11:45 "Муслик вақти" дастури
12:00 "Душар ширин" мусиқий-дам олин дастури
13:00 "Жосеу Жонин Инглиш" 6/ф
15:00 "Дилкаш лаҳзалар" теле­шоу
16:20 "Борига барака" кўрсатуви
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоу-викторинаси
18:00 "Қасам" 6/ф
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Янши олма" кўрсатуви
19:50 "Comedy.UZ" теле-шоу
20:20 "Супер келинчак" теле­шоу
21:00 "Ўфатлар" кўнгличлар кўрсатуви
22:00 "Парвоз завқи" кўрсатуви
23:00 "Бог'он" 6/ф (Ҳинди­стон)
02:00 Тунингиз хайрли бўласин!

Якшанба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури
06:30 "Файли тонг" дастури
08:30 "Бунга ҳаёт дейдилар" 09:00 "Мадагаскар-3" м/ф (2 қисм)
12:00 "Супер келинчак" теле­шоу
13:40 "Парвоз завқи" кўрсатуви
14:50 "Бог'он" 6/ф (Ҳинди­стон)
16:30 "Парламент соати" ахборот-таҳлилий дастури
16:50 "Бизнес-промо"
17:00 "Хазина" телешоу-викторинаси
18:00 "Антракс" кўрсатуви
18:40 "Бизнинг объективна" кўрсатуви
19:20 "Бизнес-промо"
19:30 "Дилкаш лаҳзалар" теле­шоу
21:00 "Душар ширин" мусиқий-дам олин дастури
22:00 "Жигарбалди" 6/ф
00:45 "Муслик вақти" дастури
01:00 Тунги кинозал:
"Замёрлиш" 6/ф
02:00 Тунингиз хайрли бўласин!

CES 2013 иш бошлади



8 январь куни Лас-Вегасда замонавий электроника бўйича жаҳоннинг энг йирик кўргазмаларидан бири — Consumer Electronics Show (CES) 46-мартаба иш бошлади. Агар ўтган сафарги кўргазмада бош мавзу интернет-планшетлар ва мобил қурилмалар бўлган бўлса, бу сафар телевизорлар CES 2013нинг асосий стэндларини эгаллади.

Хеч муболағасиз айтиш мумкинки, деярли ҳар бир катнашчи телевизор ёки шунга яқин қурилмасини тақдимотга олиб келди. Шуниси аниқки, бугунги кунда телевизорлар телекўрсатувларини томоша қилиш воситаси бўлиш билан бирга,

интернетда ишлаш, интерактив мулоқот воситаси ролини ҳам бажармоқда. Телевизорларнинг функциялари каторидан имошора билан бошқариш, интернетга улашиш, Skypeда ишлаш, 3D, қолаверса, бошқа дастурий таъминотларни ҳам ўрнатиш имкониятларини санаб ўтиш мумкин.

Бу галги кўргазма контент бозорининг энг йирик намояндalарини — Apple, Google ва Amazon иштирокисиз ўтди. Чунки бу компаниялар ўз янгилликларини яққа тартибда намойиш қилишга одатланишган. Аммо уларсиз кўргазма файзини йўқотгани йўқ, негаки, Samsung, LG, Panasonic, Sony, Sharp ва бошқа йирик Шарқ компаниялари ўз ишланмалари билан кўргазма стэндларини тўлдириб ташлашди.

Ташкилотчилар бу йилги кўргазмага 150 мингдан ортиқ меҳмон ташриф буюришига умид қилишяпти.

P.S.: Кўргазма тафсилотлари, унда тақдим этилган янги ишланмалар шарҳи билан газетамизнинг келгуси сонларида танишасиз.

ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА МАШҲУРЛАР



ШОҲНИНГ "ҚУЛОҚЛАРИ"

Телефония тамойили, яъни ахборотни узоқ-узоқларга овоз орқали етказиш эраимиздан аввал ҳам маълум бўлган. Форс шоҳи Кир (эраимиздан аввалги VI аср) хизматидаги 30 минг киши бу ишни бажарган. Уларни шоҳ "қулоқлари" деб аташган. Ўттиз мингга жарчи бири-бирга овоз етадиган масофадаги баландликлар, истеҳком минораларига чиқиб олишган ва шоҳнинг фармонларини бошқаларга, ўз навбатида, қолганларнинг хабарларини шоҳ саройига етказиб туришган.

Юнон тарихчиси Диодор Сицилийский (эраимиздан аввалги I аср) шоҳидлик беришича, бунақанги "телефон"лар пиёда ўттиз кун (бир ой)да босиб ўтиладиган масофага бир кунда хабарни етказган экан.

Deloitte: 2013 йили 1 МЛРД. ДАН ЗИЁД СМАРТФОН СОТИЛАДИ

Бир миллиардлик доvon — мобил қурилмалар бозори учун жуда муҳим, унинг ёш ва истиқболли эканини тасдиқловчи кўрсаткич.

2012 йили жаҳон бозорида 900 млн.та смартфон харид қилинганди.

Deloitte таснифи бўйича, смартфонлар — qwerty ёки сенсор клавиатурали ва интернетда ишлаш оладиган қурилмалардир.



АТ-хабарлар

ПЛАНШЕТЛАР

МУВОЗАНАТНИ "БУЗАДИ"


2013 йил охирига бориб, жаҳон бозорига етказиб берилган планшетлар сони (240 млн. дона) ноутбуклар сони (207 млн. дона)дан ошиб кетади, дея хабар беришди NPD DisplaySearch таҳлилчилари.

Планшет бозори етакчилигини 9,7 дюймлик Apple iPad сақлаб қолади.



АКТ-ХАРАЖАТЛАР 4,2 ФОИЗГА ОШАДИ

Gartner компанияси ҳисоботида айтилишича, 2013 йили жаҳон миқёсида ахборот технологиялари, қурилмалар, дастурий таъминот ва АКТ хизматлари учун корпоратив харажатлар 2012 йилга нисбатан 4,2 фоизга кўпайиб, жами 3,7 трлн. долларни ташкил этади.



Qualcomm: ЯНГИ МОБИЛ ПРОЦЕССОРЛАР

Snapdragon туркумига мансуб 600 ва 800 процессорлари аввалгиларидан 75 фоиз юқориқувват билан ишлаши маълум қилинган. Ҳар иккиси йўналишдаги туркум процессори WiFi стандартини, қолаверса, 800 чиллари 4G (LTE) технологиясини қўллайдди.

LCD ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ

Samsung Electronics ва LG Display Хитойда нархларни белгилашда келишиб олганликда айбланди. Хитой Миллий таракқиёт ва ислохотлар комиссияси қарорига кўра, энди Samsung 16,2 млн., LG 18,6 млн. доллар жарима тўлашга мажбур.

ЯНГИ АВЛОД ҚУРИЛМАЛАРИ YouTube ни ҚўЛЛАЙДИ

Sony, LG, Panasonic ва Bang&Olufsen русумидаги бир нечта телевизорлар тўғридан-тўғри YouTubeга видео йўловчи ва оловчи ҳамда android-смартфон (ёки планшет) бошқарув пултини бажарадиган дастлабки қурилмаларга айланади. Бундан ташқари, GoogleTV-телевизорларида ҳам шу функциялар мавжуд бўлиб, Consumer Electronic Show кўргазмасида уларнинг имкониятлари кенг оммага тақдим этилиши кутиляпти.

ХАВАР-ЛУГ'АТ

РАНЖЛАШ (ИНГЛ. RANKING) — ишлаш машинасининг базасидан фойдаланувчининг талабномасига мос келадиган саҳифани таълаш жараёни. Шунингдек, саҳифа талабномасига мос келиш (релевантлик) фоизи камайиб бориш тартибда тақдим этилади. Ранжлаш учун муайян ишлаш машинасининг релевантлик формуласи қўлланади, унда релевантликка таъсир ўтказадиган турли омиллар, турли вазн коэффициентлари ишлатилади.

РАСТР (ИНГЛ. RASTER) — тасвирларни тўғри бурчакли матрицавий тасвир элементлари — пикселлар шаклида тақдим қилишнинг рақамли воситаси. Улар тасвирларни ёки фазовий объектларни растрли ифодалаш асосидир.

Ўзбекистон Республикасининг "Метрология тўғрисида"ги Қонуни талабларини амалга ошириш ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Алоқа вазирлигининг 1997 йил 11 июлдаги 225-буйруғи билан Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази — "UNICON.UZ" ДУҚда Асос метрология хизмати ташкил қилинди.



АСОС МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ

Соҳада метрологик таъминот бўйича асосий вазифаларни бажаради

Энг аввало, Асос метрология хизмати (АМХ) алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг метрологик таъминоти вазифаларини амалга ошириш, ўлчашларнинг бирлигини ва талаб қилинадиган аниқлигини таъминлаш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ишларига илмий-техник ва услубий раҳбарликни амалга оширади.

Ўлчовлар бирлигини таъминлаш бўйича тармоқ концепциясида белгиланган алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги метрологик таъминот бўйича асосий вазифалар қуйидагилар:

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси хўжалик юритувчи субъектларидаги ўлчовлар бирлиги ва талаб қилинадиган аниқлигини таъминлаш учун ташкилий структурани такомиллаштириш;

- ахборотни узатиш ва қабул қилиш сифатини, норматив ҳужжатлар фонди шакллантирилишини таъминлайдиган метрология бўйича нормалар, нормативлар, қоидалар ва талабларни белгилаш;

- ўлчов воситаларини текшириш (калибрлаш), таъмирлаш ва ҳисобга олишни ташкил қилиш ва ўтказиш;


- метрологик назоратни такомиллаштириш;

- ходимларнинг метрологик тайёргарлигини ташкил қилиш;

- метрологик шаҳодатлаш.

Хизмат ходимлари алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида метрологик хизматларни ташкил қилиш ва аккредитациялашда фаол иштирок этмоқдалар. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари назорати бўйича давлат инспекцияси билан биргаликдаги текширувларда қатнашмоқда.

1997-2011 йиллар давомида АМХ томонидан ўлчовлар бирлиги ва талаб қилинадиган аниқлигини таъминлаш бўйича 32та норматив ҳужжат ишлаб чиқилди, ушбу ҳужжатларга мувофиқ алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг метрологик таъминоти бўйича ишларни



мувофиқлаштириш ва назорат қилиш ўтказилмоқда.

АМХ ташаббуси билан 2007 йил 17 октябрда "Ўзстандарт" агентлиги ҳамда Москва алоқа ва информатика техник университети билан биргаликда Тошкентда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги метрология муаммоларига бағишланган халқаро семинар ўтказилди.

Ҳозирги кунда АМХ ўлчовлар бирлигини таъминлашга бағишланган Ўзбекистон Республикасида ўтказиб келинаётган халқаро семинарлар ва конференцияларда фаол иштирок этишни давом эттирмоқда. Шунингдек, ҳар йили АМХ Москва шаҳрида Москва алоқа ва информатика техник университети томонидан ўтказиладиган бош метрологлар халқаро конференциясида иштирок этади.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг метрологик ва эксплуатацион хизматларини тезкор ахборот билан таъминлаш мақсадида АМХ томонидан "Метролог" ахборот-қидирув тизмининг маълумотлар базаси ишлаб чиқилди.

"Метролог" ахборот-қидирув тизмининг маълумотлар базаси қуйидаги

лардан иборат: метрология бўйича норматив ҳужжатлар; алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида қўлланиладиган ўлчов воситаларининг каталоги; метрологик шаҳодатлаш услублари; ўлчашларни бажариш услублари; метрология хизматлари; метрологик таъминот структураси; ТҚ кенгашларининг баённомалари, қарорлари ва натижаларининг қарорлари; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

Асос метрология хизмати тўғрисидаги низомга мувофиқ. Ўлчов воситала-

1997-2011 йиллар давомида АМХ томонидан ўлчовлар бирлиги ва талаб қилинадиган аниқлигини таъминлаш бўйича 32та норматив ҳужжат ишлаб чиқилди.

рининг тармоқ реестрини юритади, "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида қўллаш учун тавсия қилинган ўлчов воситалари каталоги"ни янгилаш бўйича ишларни давом эттирмоқда, "Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ўлчов воситаларини ҳисобга олиш" тармоқ маълумотлар базасини юритади.

Шунингдек, АМХ иштирокида 2002 йили "Ўзстандарт" органлари томонидан ўлчов воситаларини таъмирлаш ва қислаш лабораторияси аккредитация қилинди, 2005 йилда эса ўлчов воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича "Acterna" компаниясининг сервис маркази очилди.

Ўлчовлар бирлигини таъминлаш давлат ва тармоқ тизимларининг ривожланишига кўшадиган ўз хиссасини АМХ қуйидаги вазифаларни амалга оширишда деб билади:

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги параметрлар ва хизматларни ўлчашнинг ягоналиги ва талаб қилинадиган аниқлигини таъминлаш соҳасидаги ишларни бажаришнинг талаб этиладиган даражасини шакллантириш бўйича ишларни такомиллаштириш;

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги метрологик таъминот норматив базасининг метрология соҳасидаги халқаро нормалар, қоидалар ва талаблар билан уйғунлаштирилишини ўтказиш;

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги метрологик текширув ва назоратни такомиллаштириш;

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ўлчовлар бирлигини таъминлаш соҳасида илмий тадқиқотларни ўтказиш, метрология бўйича дастурлар, методикалар ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

- соҳанинг метрологик таъминоти бўйича мавжуд тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш, уни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- маънавий эскирган ўлчов воситалари паркинни босқичма-босқич алмаштириш;

- метрология хизматларини замонавий намунали ўлчов воситалари билан жиҳозлаш;

- ўлчовлар бирлиги соҳасида халқаро тажриба принциплари ва методларини таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш ҳамда уни алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига татбиқ этиш;

- метрология соҳасида алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси мутахассисларини ўқитиш дастурларини такомиллаштириш.

Дмитрий МЕРКУЛОВ,
"UNICON.UZ" ДУҚ

Асос метрология хизмати бошлиғи

AMAL QILING!

5 маслаҳат: Мобил ЭТИКЕТ

"Managing to Change the World: The Nonprofit Manager's Guide to Getting Results" асари ҳамда Ask a Manager блогги муаллифи Элисон Грин мобил телефон, электрон почта ва бошқа замонавий техникалардан фойдаланиш бўйича ўз тавсиялари билан ўртоқлашди. Хўш, ҳақиқий тарбия кўрган инсон нималарга эътибор бериши керак?



1 **Агарда** ёнингизда бошқалар ҳам ишлаётган бўлса, асло мобил телефонни баланд овозга қўйманг — қолганларни ишдан қолдирасиз.

2 **Йиғилиш, учрашувларда** мобил телефонингизни бўлар-бўлмаста қўлингизга олманг. Акс ҳолда сизни зерикашти, деб ўйлашади ва сиз бу учрашувга келганларнинг қимматли вақтларини қадрламаган бўласиз. Мабодо муҳим кўнғирок ёки SMS кутаётган бўлсангиз, аввалдан огоҳлантинг.

3 **Бир пайтнинг ўзида** бир хил хабарни ҳам телефонда, ҳам электрон почтада йўлламанг — бу жуда хунук одат.

4 **Мобил телефонингизни иш жойида** қолдиришдан олдин уни овозсиз тартибга ўтказинг — телефонингиз "хониши"ни эшитиш кимга ҳам ёқарди?!

5 **Кўнғирок қилиш учун** сокин жойни танланг, ахир, сизни эшитишларини истайсиз-ку! Телефондаги суҳбат-дошингизга сизнинг бошқалар билан суҳбатингизни эшитиш дилхираликдан бошқа нарса эмас.

Toshiba L9300 телевизорлари дунёдаги биринчи 4K-телевизорлар бўлади.

ONLINE-TANLOV

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайтыда биринчи мартаба ёшлар ўртасида интернет тармоғида танлов ўтказилди. Танлов шу йил март ойида эълон қилиниб, 1 декабрга қадар давом этди ва яқинда унинг ғолиблари тақдирланди.

Parliament.gov.uz

сайти янгиликка қўл урди



Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва сиёсий маданиятини юксалтириш, улар ўртасида конституциявий ғоялар, қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини тарғиб этиш, мамлакатимиз парламенти фаолияти ҳақида ҳаққоний ва тўлиқроқ ахборот олишга қўмаклашиш мақсадида ўтказилган танловда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган 3000дан зиёд ёш йигит-қизлар иштирок этди.

"Парламентаризм билимдони" танлови 40 босқичдан иборат бўлди. Саволлар нафақат Асосий қонун — Ўзбекистон Республикаси Консти-

туцияси қоидаларини, балки Қонунчилик палатасининг қонун ижодкорлиги ва Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қамраб олди.

Танловни ўтказиш ва балларни ҳисоблаб чиқиш жараёни ҳам тўлиқ автоматлаштирилган тарзда амалга оширилди.

Яқуний натижаларга кўра, қуйидагилар ролиб деб топилди:

- 1-ўрин. *Р. Саидов (соврин — ноутбук)*
- 2-ўрин. *Р. Кабулов (соврин — iPhone)*
- 3-ўрин. *К. Тўтиқон (соврин — букридер).*

100дан ортиқ балл тўплаган танлов иштирокчилари Ўзбекистон қасаба уюшмалари федерацияси, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати ва Халқ таълими вазирлигининг рабатлантирувчи мукофотларига сазовор бўлишди. Кўпчилик ёшларга "Парламентаризм билимдони" танлови иштирокчиси дипломлари топширилди.

INTERNET-SABOQ

Ушбу руқн остида интернетдан фойдаланиш саводхонлигини оширишга қаратилган дарслар бериб борилади. Бу Сиз ва фарзандларингиз учун фойдали бўлади, деган умиддамыз. Дарслар Тошкент ахборот технологиялари университети мутахассислари томонидан тайёрланган.

Фарзандларингизга қулай бўлиши учун дарсларни латин алифбосида олиб борамиз. Ўйлаймизки, ўрганишни мақсад қилган катта ёшли ўқувчиларимизга ҳам бу қийинчилик туғдирмайди.



1-DARS.

Internet va brauzerlar

Internet bu yagona standart asosida faoliyat ko'rsatuvchi jahon global kompyuter tarmog'idir. Uning nomi ikki xil talqin qilinadi, ya'ni "International Network" — xalqaro tarmoq va "Interconnected networks" (tarmoqlararo) degan ma'noni anglatadi. U mahalliy (lokal) kompyuter tarmoqlarni birlashtiruvchi axborot tizimi bo'lib, o'zining alohida axborot maydoniga ega bo'lgan virtual to'plamdan tashkil topadi.

Internet tarmog'i, unga ulangan barcha kompyuterlarning o'zaro ma'lumotlar almashish imkoniyatini yaratib beradi. Internet tarmog'ining har bir mijosi o'zining shaxsiy kompyuteridan boshqa shahar yoki mamlakatga axborot uzatishi mumkin. Masalan, so'nggi yangiliklardan xabardor bo'lishi, xalqaro anjumanlarda ishtirok etishi, bank muomalalarini amalga oshirishi mumkin.

FOYDALI SAYTLAR

Online TV

Ўзнетда интернет орқали телевидениени тўғридан-тўғри томоша қилиш имкониятини тақдим этадиган сайтлар борлигини ҳамма ҳам билмаса керак. Айниқса, TAS-IX ҳудудида жойлашган бундай сайтлар кўпчиликни қизиқтириши табиий. Қуйида Ўзбекистон телекўрсатувлари интернет орқали онлайн намоиш қилинадиган икки сайт ҳақида маълумот берамиз.



2013 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси сайтыда 7та каналнинг (Yoshlar, O'zbekiston, Toshkent, Sport, UzHD, Ma'naviyat va Ma'rifat, Dunyo Bo'yulab) онлайн узатилиши йўлга қўйилди. Mtrk.uz сайти тубдан ўзгарганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Мазкур сайтда еттига каналдан ташқари, тўртта радиостанция ҳам онлайн тартибда узатилади — Yoshlar (fm 104), O'zbekiston (fm 103.1), Toshkent (fm 87.9) va Sport (fm 107.8).

Сайт учта тилда ишлайди. Унинг мобил версияси бор бўлиб, ҳафталик теледастурлар ва анонслар бериб борилади. Энг асосийси, МТРК сайти TAS-IX ҳудудида жойлашган.

Худди шундай имконият тақдим этувчи яна бир сайт. TAS-IX ҳудудида жойлашган Mediabay.uz сайтыда, Mtrk.uzдан фаркли равишда, Ўзбекистон телеканалларидан ташқари, хориж телеканаллари ҳам тўғридан-тўғри намоиш этилади.

Сайт орқали жами 12та телеканал (O'zbekiston, Yoshlar, Toshkent, Sport, UzHD, Ma'naviyat va Ma'rifat, Dunyo Bo'yulab, Россия 1, Первый, Спорт 1, НТВ, Discovery) трансляциясини томоша қилиш имконига эгаасиз.

ФАКТ

МАМЛАКАТИМИЗДА 29 БАНК, УЛАРНИНГ 826 ХУДУДИЙ ФИЛИАЛИ ВА 2300дан ОРТИҚ МИНИ-БАНКЛАР, 9000дан ЗИЁД БАНК ИНФРАТУЗИЛМАСИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА.



Internet tarmog'ining vazifasi tarmoq abonentlariga veb-hujjatlarni o'qish, elektron pochta, fayl uzatish va qabul qilish, muloqotda bo'lish, tarmoqda hujjatlarni saqlash va ular bilan ishlash xizmatini ko'rsatish. Internet tarmog'idan axborotlarni almashish, masofaviy ta'lim olish, konferensiyalar o'tkazish, veb-saytlarni tashkil etish, elektron pochta joriy qilish, muloqot o'rnatish va shu kabi maqsadlarda foydalaniladi.

WEB-texnologiyasining hozirgi kunda brauzerlar deb ataladigan axborotni ko'rish uchun mo'ljallangan o'ndan ortiq turli vositalari mavjud. Brauzer web-sahifalarni ko'rish dasturi hisoblanadi. Bunda brauzerga yuklangan web-sahifadagi giperbog'lanishga sichqoncha ko'rsatkichi bilan bosilsa, avtomatik ravishga ushbu bog'lanishda ko'rsatilgan sahifa brauzerga yuklanadi. Bugungi kunda brauzerlarning juda ko'plab turlari mavjud. Eng mashhurlari: Internet Explorer (Windows amaliyot tizimi tarkibidagi dastur), Opera, FireFox.

Тонг сахар телефоннинг айюханнос солиб жиринглаши уйкумни бузиб юборди. Малолланиб телефонни кўлимга олдим: хар доимгидек дўстим Файратжон.

— Ха, нима бўлди, бирор жойга ўт кетди? Намунча, сўфи азон айтмасдан сим коқдинг.

— Менга қара, бугун учрашиб гаплашиб олишимиз керак, — деди у.

— Нега, тинчликми?

— Йўқ, тинчлик эмас.

— Тушунтириброқ гапир, нима бўлди ўзи?

— Учрашсак, ҳаммасини айтиб бераман.

— Хўп, қаерда кўришамиз?

— Хар доимги ўтирадиган чойхонамизга келгин.

— Бўпти, бораман.

Гузар бошидаги чойхонада Файратжон билан учрашдим. Шу орада хизматдаги йигит бизга бир чойнак кўк чой олиб келди.

— Ха, нима гаплар, намунча ковофингдан қор ёғмаса?

— Сен сўрама, мен айтмай. Кеча ишдан келсам ойим билан дадам олдиларига ўтказишиб, қачонгача сўқкабош юрасан, бизнинг ҳам орзу-хавасимиз бор, тўй қилиб, қудалар билан борди-келди қилишни орзу қиламиз, ўғлим. Биз сенга ёмонликни раво кўрмаймиз, кеча холанг келиб маҳалласида бир яхши оиланинг кизи борлигини айтди, шуларниқига совчи бўлиб бормоқчимиз. Сен у киз билан бир учрашгин, деб қолдилар. Биласан, Дилдорани яхши кўрар эдим. Ота-онам уларнинг уйига боравериб, ранглар сомон бўлишган. Шунинг учун бетим чидамади, йўқ дея олмадим.

— Хўп, сен у кизни танийсанми?

— Йўқ, яхши билмайман, аммо бир-икки холамниқига борганимда кўрганман. Одобли кизга ўхшайди. Эрталаб сенга телефон қилмасдан олдин холамнинг ўғли билан гаплашгандим. У ҳам яхши киз деди.

— Ана бўлди, нега унда ўпкангни кўлингга олводдинг. Яхши киз бўлса, тўйни бошла, мана биз белни боғлаб хизматда бўламиз-да, — деб ховурини босдим.

Аммо негадир унинг кўнгли нотинч эди.

— Нега чехранг очилмапти, яна нима гап?

— Э дўстим, яқинда Дилдора билан гаплашдим, у ота-онангизни яна бир маротаба юборинг, ота-онам рози бўлиб туришипти, деганди. Уйдагиларга бу гапларни айтишга журъатим етмаяпти.

— Дилдоранинг отаси дадангга қаттиқ гапирган экан, шу гап ростми? Даданг ориятли. Энди бормаса керак.

— Ха, нимасини айтасан, жаҳл устида гапирворган-да. Бўпти дўстим, сенинг ҳам бошингни оғритиб юбордим. Йўқ бўлиб кетма, телефон қилиб тур.

Орадан бир ой ўтди. Файратжоннинг ота-онаси совчиликка бир боришдаёқ ҳамма расм-русумларини қилиб, тўй кунгача белгилаб келишди. 12 январ кунни дўстининг қувончли кунни карнай — сурнай садолари остида бошланди. Файратжоннинг ота-онаси хурсанд. Ҳамма ишни бошида туриб келин топган холаси хиром айлаб давра-

дан чиқмасди. Аммо негадир Файратжоннинг ўзи бу тўйдан хурсанд эмас эди. Тўй ҳам ўтди.

Ун кун ўтиб Файратжон ишга чиқиб кетди. Хар-хар замон телефон қилиб, "Ха, куёвбола, келин пул топиб

тушолмапман, менга телефон қилинг", деган сўзлар ёзилган. Бу ҳам етмагандай, йигитлар гапини тасдиқлаб Назокат ҳам беҳаё гапларни ёзган. Буларни кўриб эгим жимирлаб кетди. Уйга келиб, хотинимга сездирмай телефонини текширдим. Телефонига юкланган

беихтиёр ўзимни тўхтата олмай, у тирикми, унга ҳеч нарса қилмадим, деб юбордим.

— Э укам, машина катта тезликда келаётгани. Билмадим, "Тез ёрдам" машинаси келиб, шифохонга олиб кетди. Мана шунақаларнинг дастидан бир бечорани тинчлиги бузилади-да. Бечора хайдовчи ҳам, мен айбдормасман, деганча бошини чангаллаб қолди.

— Ака, чеқирасиз, уни қайси шифохонга олиб кетишди, билмай-сизми?

— Йўқ, укам, билмадим.

— Мени ўша атрофдаги шифохонларнинг бирига ташлаб қўйинг, илтимос,

— дедим.

— Ха, укам, тинчликми, нега хавотирга тушиб қолдингиз?

— Кўяверинг ака, тезроқ хайданг, илтимос.

— Хўп-хўп, шаҳар марказий шифохонасига олиб бориб қўяман.

— Раҳмат ака.

Ўзимга-ўзим, ишқилиб Файратжон бўлмасин-да, деган хаёллар билан шифохонга етиб келганимни ҳам билмай қолдим. Навбатчи хамширдан, яқин орада автохалокат

билан бирор кишини олиб келишмадим, деб сўрадим.

— Ха, олиб келишганди, — хозир деб, олдида турган қайд дафтарига кўз югуртирди. — Файратжон Мардонов деган кишини олиб келишди, — деди. Бир муддат ўзимни йўқотиб қўйдим.

— Унинг аҳволи яхшими, кўрсам бўладими?

— Афсус, мен билмадим, кириб, бош шифокордан сўранг, улар ҳам яқинларини кутишаётгани, — дея бош шифокор хонасига кузатиб қўйди.

— Келинг ука, сиз Файратжоннинг кими бўласиз?

— Дўстиман.

— Бардам бўлинг, Аллоҳнинг иродаси экан. Ота-онасига хабар беринг, келиб олиб кетишин...

Танамдаги титроқ бутун вужудимни ларзага соларди. Файратжон менга тўқиб солган дардларини энди кимга айтаман, ота-онаси қандай тушунади. Уларга энди қандай хабар бераман.

Навбатчи хамширнинг олдида келиб, Файратжоннинг уй телефонини бердим.

Мана, орадан икки ой ўтди. Ҳамон ичимдаги дард қалбимни емириб борарди. Ўзимни қалғитиш мақсадида дўстларим билан хабарлашиб, бир кафега йиғилдик. Ўртоқлар билан гурунглашиб, хангомамиз қизий бошлади, бир оз кўнглим ёришган-дек бўлди. Шу орадан орқа тарафдан беўхшов қийқирик эшитилди. Ўгирилиб суҳбат қураётганларга назар ташладим. Астафирилох, нахотки, бу Дониёр билан Назокат бўлса...

Мухиддин СОЛИЕВ
Сирдарё вилояти

САЙТДАГИ СИРТМОҚ...



келинг, деб ишга хайдаб солдима-а?" дея кўнгил сўраб кўярдим ҳазилому оҳангда.

Кунларнинг бирида Файратжон телефон қилди, дўстим, дардимни сендан бошқа ҳеч кимга айтилмайман, бир кўришиб гаплашиб олайлик, илтимос, деди.

— Хўп, эртага чойхонада кўришамиз.

Бу сафар унинг рангида ранг йўқ, озиб кетган, озгина ичиб ҳам олганди.

— Э, тинчликми оғайни, нима бўлди?

— Дўстим, кеча Россиядаги укам телефон қилиб, интернетга кириб "Одноклассники"дан профил очишимни ва гаплашиб туришимизни айтганди. Ишхонамиздаги бир киз интернетни яхши биламан, деб "Одноклассники"дан рўйхатдан ўтказиб, расмларимгача жойлаб берди. Қизиқиб билан сайтда анчагача ўтирдим, дўстлар кидиришни ўрганиб ҳам олдим. Оз фурсат ичида дўстларим ҳам кўпайиб қолди. Қизиқиб билан синфдошларимни изладим ва ниҳоят, синфдошим Дониёрни топиб, профилига кирдим. Не кўз билан қарамай, "Назокатли Ноза" деб номланган хотинимнинг расми унинг дўстлари рўйхатида турарди. Шу профилга кирдим. Дўстим ишонасаним, айтишга ҳам уяламан. Мени тушуняпсанми, уяламан! Шунақанги расмлар кўйганки, хар қандай эркакни ўзига тортадиган. Яна бу расмларга юзлаб болалар, катта ёшли одамлар кириб, хар хил беъмани изоҳлар билан мулоқотда бўлишган. Дониёр томонидан ҳам "Класс, сиз дунёдаги энг гўзалсиз, сиз билан бўлишни хоҳлайман, жоним телефон рақамингизга

"Опене-менюси оркали "Одноклассники" сайтига киришим билан Назокатни профили очилди: мен кўрган беҳаё расмлар у шарм-хаёсиз гаплар. Буларни кимга айтишимни билмай қолдим. Ота-онамга айтсам, улар буни кўтара олишмайди. Қариндош-уруғлар орасида бош кўтариб қандай юришади. Буларни кўрмаганга олиб, кўл силтай десам, Дониёрни ёзганларини ақлимга сиздиролмаяпман. Нима қилсам экан-а? Дўстим, икки ўт орасида қолдим.

Файратжонни сўзларини тинглаб, унинг қийнаётганидан эзилиб кетдим, эркак кишининг кўзидан ёш оқмасин экан. Унга қандай маслаҳат беришни билмай қолдим. Унинг бундай қийналишига қисман ўзимни ҳам айбдордай ҳис қилдим, чунки шу чойхонада "Дўстим хаммаси яхши бўлади, ота-онанинг розилиги билан уйлансанг, ҳеч қачон кам бўлмайсан" деб маслаҳат бергандим. Файратжон билан алла-маҳалгача ўтирдик. Сўнгра уни маҳалласига кузатиб қўйдим — да, ўзим таксига ўтириб, бу нарсаларга ойдинлик киритиш мақсадида Дониёрнинг олдида йўл олдим.

Дониёрнинг опаси эшикни очди. Ундан, Дониёр анча бўлди, иш билан уйдан чиқиб кетганди, деган жавобни эшитган, ортимга қайтдим. Такси тўхтатиб, уй манзилимни айтдим. Йўл-йўлакай хайдовчининг гапларига истар-истамас жавоб бериб кўярдим. Хайдовчининг, Навоий кўчасидан келаётганимда, бир йигит ўзини машина тагчага ташлади, деган гапи мени хушёр тортирди. Бу гапдан

Ўзбекистон — "Fair Play" соврини соҳиби

ФУТБОЛ

Швейцариянинг Цюрих шаҳрида Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА томонидан 2012 йил якувлари бўйича турли номинациялар ғолибларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Энг адолатли ва ҳалол ўйин кўрсатган футбол жамоаларига бериладиган "FIFA Fair Play" совринига Ўзбекистон футбол федерацияси билан бирга Гватемала футбол федерацияси ва Туркиянинг "Эски-шехирспор" клуби даъвогарлик қилганди. Улар орасида мамлакатимиз



футбол федерацияси ғолиб деб топилди.

"Ўзбекистон-Гонконг" ўйинини бахрайлик ҳакамлар бошқаради

Осиё чемпионати-2015 саралаш бахслари "Е" гуруҳи 1-туридан ўрин олган Ўзбекистон ҳамда Гонконг герма жамоалари ўртасидаги учрашувда Али Ҳасан Иброҳим бошчилигидаги бахрайлик ҳакамлар бригадаси ишлайдиган бўлди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон — Гонконг учрашуви 6 феврал куни Тошкентдаги "Пахтакор" марказий стадионида бўлиб ўтади. Учрашув соат 18:00 да бошланади.

Кореялик 41 нафар футболчи бутунлай футболдан четлатилди

ФИФА Жанубий Корея профессионал футбол лигаси (Кей-лига) ва футбол ассоциацияси (КФА)да иштирок этувчи 41 нафар футболчини бутун умрга футболдан четлатди.

Жазоланган футболчилар келишилган ўйинларда иштирок этишган. Улар энди нафақат ички чемпионат учрашувларида, балки ФИФА тасаруфидидаги ҳар қандай мусобақада иштирок эта олмайди.

Шунингдек, бундай ўйинларда катнашганини тан олган 21 нафар футболчи 2 йилдан 5 йилга қадар давом этадиган синов муддатидан кейингина ўз фаолиятини тиклаш имконига эга бўлади.



Лионел Месси — тўрт қарра "Олтин тўп" совриндори!

2012 йилда жаҳоннинг энг яхши футболчиси деб "Барселона" ва Аргентина терма жамоаси футболчиси Лионел Месси эълон қилинди. Бу Мессининг тўртинчи соврини ва у бу борада рекордни қайд этди.

Соврин эгаси номини 2006 йилги "Олтин тўп" эгаси Фабио Каннаваро ўқиб эшиттирди ва олтин тўпни ФИФА президенти Зепп Блаттер топширди.

КИКБОКСИНГ

8 нафар спортчимиздан 6 нафари совриндор

Ҳиндистонда кикбоксинг бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган 8 нафар спортчиларимиздан 6 нафари совриндорлар сафидан ўрин эгаллади.

Герма жамоамиз ҳисобида олтин медални лоу кик йўналишида Ҳасанхон Баратов (-75 кг) келтирди. Ҳасанхон Осиё чемпионатидек шарафли унвонга эга бўлиш билан бирга жорий йилнинг ноябр ойида Санкт-Петербург (Россия)да ўтказилган Бутунжаҳон яққакорашлар ўйинларида катнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди.

Мазкур китъа чемпионатида, шунингдек, Фуркат Ёқубов (-57 кг, лоу кик), Андрей Смирнов (-67 кг, лоу кик), Жаҳонгир Кўчмуродов (-74 кг, поинг файтинг), Аҳмад Алимбеков (-81 кг, лоу кик), Ҳусанхон Баратов (-91 кг, фулл контакт) бронза медаллари билан тақдирландилар.

ШАХМАТ

Сергей Қаюмов кумуш медални қўлга киритди

Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган "GP Blitz Chess Tournament - 2013" блиц турнирида халқаро гроссмейстер Сергей Қаюмов кумуш медални қўлга киритди. Ун бир партия ўйин ўтказган тажрибали шахматчимиз саккиз галаба ва икки дурангга эришиб, тўққиз очко жамғарди.

ТЕННИС



Истомин чорак финалда

Ўзбекистоннинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин Австралида давом этаётган "Aria International Sydney-2013" халқаро турнирининг чорак финалига чиқди. Яққалиқлар ўртасидаги дастлабки босқичда австралиялик Жеймс Даквортни мағлубиятга учратган ҳамюртимиз иккинчи давра беллашувида испаниялик Фернандо Вердаскони 6:3, 6:3 ҳисобида енгди.

БОКС

Боқудан беш медал

Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида ёшлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда 91 килограммдан оғир вазни боксчилар орасида ҳамюртимиз Гайбулла Қўчқоров мезбонлардан Темур Валиев ва Мухаммадали Тоировни муддатидан олдин енгиб, олтин медални қўлга киритди.

Терма жамоамиз аъзоларидан Азизбек Абдуҷабборов кумуш, Шохбек Қодиров, Шохрух Набиев, Дилмурод Бозорбоев ҳамда Мухаммадсалим Сотволдиев бронза медал билан тақдирланишди.

● Реклама ва эълонлар

Аукцион савдоларига марҳамат

"BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти аукцион савдоларини ўтказувчи комиссияси иштирокида Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтадиган куйидаги аукцион савдоларига таклиф этади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 мартдаги "Истеъмол товарлари билан улгуржи ва чакана савдони ташкил этишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 94-қарорига асосан "Бухоромат-луботсавдо" акциядорлик компаниясининг куйидаги шахар ва туманлардаги ташкилотлар устав фондидаги улушлари ЛОТ тартибида 2013 йил 29 январ куни соат 11.00да ташкил қилинадиган тақрорий "Аукцион" савдоларига чиқарилади.

1-ЛОТ. "Когонматлуботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондидаги 25 фоиз улуши. **Бошланғич баҳоси 64 790 525 (Олтмиш тўрт миллион етти юз тўқсон минг беш юз йигирма беш) сўм;**

2-ЛОТ. "Олотматлуботсавдо" очик акциядорлик жамияти "Савдо-Харид" корхонаси устав фондидаги 25 фоиз улуши. **Бошланғич баҳоси 18 725 970 (Ўн саккиз миллион етти юз йигирма беш минг тўққиз юз етмиш) сўм;**

3-ЛОТ. "Пешкуматлуботсавдо" масъулияти чекланган жамияти устав фондидаги 25 фоиз улуши. **Бошланғич баҳоси 16 716 667 (Ўн олти миллион еттиз юз ўн олти миш олти юз олти миш етти) сўм;**

4-ЛОТ. "Ғиждувонматлуботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондидаги 25 фоиз улуши. **Бошланғич баҳоси 202 607 248 (Икки юз икки миллион олти юз етти миш икки юз кирк саккиз) сўм;**

5-ЛОТ. "Қорақўлматлуботсавдо" тўлиқ ширкати устав фондидаги 25 фоиз улуши. **Бошланғич баҳоси 99 484 374 (Тўқсон тўққиз миллион тўрт юз саксон тўрт миш уч юз етмиш тўрт) сўм;**

Закалат пули миқдори юқоридаги мулклар бошланғич баҳоси 10 фоизи миқдориди белгиланган.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдосида волиб топилган шахс 10 (Ўн) кунлик муддат ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши лозим. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар "Аукцион ташкилотчиси" томонидан Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (3-қават) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб савдоларнинг ўтказилиши белгиланган санадан бир кун олдин бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар "Аукцион ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, низом нусхаси ва савдода катнашувчи ишончли вақил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган МЧЖ, СТИР: 301480431, МФО: 00120, ДАТ "Асакабанки" Бухоро шаҳар филиалидаги ҳисоб рақами 20208000504828225001.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда ўзингизни қизиқтирган барча савдолар бўйича куйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

"Аукцион ташкилотчиси" — "BV TRADE SERVICE" ихтисослаштирилган масъулияти чекланган жамияти.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. (3-қават). Тел: 8 365 223-49-24. E-mail: bvtradeservice@mail.ru
Хизматлар лицензияланган

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси жамоаси Сирдарё вилояти худудий бошқармаси етакчи мутахассиси Эрали Аҳмедовга акаси **Шухрат АХМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали ва қасаба уюшмаси қўмитаси жамоалари филиал бош ҳисобчиси Соҳибжон Жумаевга падари бузруквори

Янгибобо ЖУМАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

...У ўша пайтларда малакали ва ўз ишининг фидойиси бўлган шифокор бўлишни орзу қиларди. Ёшликнинг беғубор ҳаваслари билан уйғунлашиб кетган бу орзу уни сабоқларни мукамал ўзлаштиришга ундар, ҳар бир маъруза ёки амалий машғулотдан ўзига керакли бўлган фойдали маълумотни олишга ҳаракат қиларди. Изланувчанлиги ва тиришқоқлигини нафақат сабоқдошлари, балки устозлари ҳам эътироф этишарди.

Хеч эсидан чиқмайди: маърузаларнинг бирида домла бутун гуруҳдагиларга юракнинг ишлаш тизими билан боғлиқ савол берди. Гуруҳнинг илғор талабаларидан икки-учтаси саволга баҳоликудрат жавоб беришга уриниб кўрганди, домла кескин ва жўяли гаплари билан жавобдан қониқмаганлигини билдирди. Бутун аудиторияни синчковлик билан кузатиб, саволига жавоб излаётган домланинг нигоҳи билинар-билинамас кўл кўтариб, жавоб беришга тараддулланаётган унга тушиб қаџирди:

— Қодирова, жавоб бермоқчимиз? Эшитамиз сизни.

Кекса профессорнинг вазмин ва салобатли овозидан бир оз тараддудга тушгани боис саволга секин овозда жавоб бера бошлади. Не ажабки, сўзини тугатиб домланинг юзига боққанида ҳозиргина асабийлашганидан бир оз қисилган кўзлар унга хайрхоҳлик билан кулиб қараб турар эди.

— Баракалла, она қизим, — деганди ўшанда домла чин дилдан суюниб. — Жавобингни эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Сен малакали врач бўлишинг билан бирга, албатта, илм йўлидан бориб, билимингни янада оширишинг зарур.

Устозининг бу сўзлари унга янада ғайрат бағишлади, орзуларини янада юксалтирди. Бу эса кейинчалик унинг интернатда таҳсил олишига ҳам мустаҳкам замин бўлди.

ТошМИнинг даволаш факултетига тахсил олган Кавсар Қодирова сабоқлардан сўнг темирйўлчилар поликлини-

Меҳр ришталари

барча шарт-шароитлар бор. Энг сўнгги русумдаги асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги фаолиятимизда жуда кўл келмоқда. Жумладан, касалликларни ўз вақтида аниқлаш, тахсис қўйиш, муолажани олиб бориш каби масалаларда жуда илгарилаб кетдик. Бу шубҳасиз, мухтарам Президентимиз ташаббуси

касида фаолиятини бошлади. Ўтган йиллар давомида бу ерда турли лавозимларда ишлаб, жамоасининг эътиборини қозонди ва бош шифокорликкача бўлган йўлни босиб ўтди. Бу жараёнда устозлари Нормат Эрметов, Шавкат Жўраевлар унга касбий ва ҳаётий сабоқ беришди. Айни пайтда мазкур тиббий муассасанинг фаолиятини янада ривожлантириш, намунали тиббий хизмат кўрсатиш борасида тинимсиз изланиш олиб бораётган Кавсар опа устозларидан миннатдор. Ҳамкасбларини эзгулик ва фидойиликка ошно тутинтириб, қалбларига саховат уруғини жо қилди.

— Халқимизда "Касбнинг яхши-ёмони йўқ" деган ҳикматомуз нақл бор, — дейди Кавсар опа. — Чиндан ҳам ўз касбини эъзозлаган инсонни касби ҳам улуғлайди, эл-юрт ўртасида обрў-эътибор келтиради. Мен кўп йиллик фаолиятимда бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилдим ва буни шогирдларимга, ҳамкасбларимга кўп бора таъкидлайман. Мени қувонтирган яна бир жиҳати, ҳозирда мамлакатимиздаги тиббий муассасаларда, шу жумладан, поликлиникамизда

Кавсар Қодирова айни пайтда темирйўлчи-шифокор бўлганидан ҳам фахрланади. Чунки опа шу касби билан нафақат жамиятда, ҳаётда ўз ўрнини топди, балки "Аср қурилиши" деб ном олган Тошгузар-Бойсун-Кумқўрғон темир йўли қурилишида ҳам иштирок этди.

О.РАЗЗОҚОВА

SO'RANG, JAVOB BERAMIZ!

МЕХНАТ ТАЪТИЛИ ҚАЧОН БЕРИЛАДИ?

— Олийгоҳни битириб, ишлаб чиқариш корхоналаридан бирига ишга жойланганимга уч ойдан ошди. Сизлардан илтимос, ходимларга меҳнат таътиллари бериш тартиби тўғрисида тушунча берасанми. Меҳнат таътилига қачон чиқишим мумкинлигини билмоқчи эдим.

Шарофат ҚОСИМОВА, Денов тумани

— Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлаганингиздан кейин берилади. Демак, яна уч ойдан сўнг меҳнат таътилига чиқишингиз мумкин.

Яна шуни ҳам билиб олишингиз керакки, иш йили меҳнат шартномасига биноан иш бошлаган кунингиздан ҳисобланади. Таътил куйидаги ходим-

ларга олти ой муддат ўтмасдан ҳам берилиши мумкин:

- Аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш таътили олдидан ёки ундан кейин;
- Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга;
- Муддатли ҳарбий хизматдан захирага бўшатиш ва ишга жойлашган ҳарбий хизматчиларга;
- Ўриндошлик асосида ишлаётганларга асосий иш жойидаги таътил

билан бир вақтда, ўриндошлик асосида ишлаётган вақтига мутаносиб равишда ҳақ тўланган ҳолда;

Меҳнат таътили ҳар йили, шу таътил берилётган иш йили тугагунга қадар берилиши лозим.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ талабларга кўра, жорий йилда таътилни тўлиқ бериш имкони бўлмаган алоҳида ҳолларда, ходимнинг розилиги билан таътилни ўн икки иш кунидан ортқ бўлган қисми кейинги иш йилига кўчирилиши мумкин. Лекин ходим шу йили ундан, албатта, фойдаланмоғи лозим.

Йиллик асосий таътил иккинчи ва ундан кейинги иш йиллари учун мувофиқ иш йилининг исталган вақтида берилишини унутманг.

Дилнод УСМОНОВ,
"Ўзбектелеком" АК
"БКМ" филиали қасаба уюммаси қўмитаси раиси

Табрик.ай.иш!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Кува почта алоқаси тармоғи ходими Рустамжон УМРЗОҚОВни 60 ёши, Водил ва Риштон ПАТ ходимлари Урайинжон ОМОНОВ ҳамда Ҳабибжон ДОДОВОЕВларни 55 ёши, Яйпан почта алоқаси тармоғи ходими Ҳусанжон УСМОНОВни 50 ёши билан чин юракдан табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узоқ умр, фаразлар рохатини кўришликни тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Учқўриқ телекоммуникациялар боғамаси ходими Эргашжон ҚУЛМАТОВни 60 ёши, Фарғона шаҳар, Кува, Баълод ТБ ходимлари Муҳторжон МУҚИМЖОНОВ, Анваржон ХИДОЯТОВ ҳамда Исмонжон ЮСУПОВларни 55 ёши билан самимий кутлайди. Уларга виш яхши тилакларини йўлайди.

<p>Xabar МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КўЧИМОВ</p> <p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>		<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Сувоп НАЖИДДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятга келган кўлёзма ва суратлар эгалигига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100043, Тошкент, Бунёдор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Аслиддин БҮРИЕВ.</p>	
<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқарди</p>		<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>		<p>Г-152 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 18659 нусха.</p>	
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>		<p>Андижонда 226-47-80</p>		<p>Бухорода 223-27-85</p>	
<p>Гулистонда 40-12-19</p>		<p>Жиззахда 226-06-34</p>		<p>Навоида 225-91-10</p>	
<p>Наманганда 232-97-86</p>		<p>Нукусда 554-35-45</p>		<p>Самарқандда 233-61-81</p>	
<p>Термизда 224-06-12</p>		<p>Тошкентда 288-40-66</p>		<p>Урганчда 226-37-16</p>	
<p>Фарғонада 224-18-05</p>		<p>Қаршида 931-08-99</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>	